

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ
ХМИ ВА МАМЛАКАТШУНОСЛИК ФАКУЛТЕТИ**

**УДК : 339.542
ББК: 65.9ъ8
У-47**

Юлдашева(Абдулхакова) Камилла Халмурадовна

**“Шарқий Осиё мамлакатлари саноати ривожланишининг замонавий
тендентсиялари (Корея Республикаси мисолида)””**

**5A231001- ХМИ ва мамлакатшунослик (Узоқ шарқ минтақаси
иқтисоди)**

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертатсия**

**Илмий раҳбар:
и.ф.н. Лезилова Л.Н.**

ТОШКЕНТ-2014

Магистирлик диссертация иши ҳимояга рухсат берилади.

“ХМИ ва мамлакатшунослик”

факултети

декани Махмудов Э.А.

“ ” 20__ йил

“Узоқ Шарқ минтақаси иқтисодиёти

ва мамлакатшунослик” кафедраси

муdiri, доцент А.М.Алимов

“ ” 20__ йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	
I-боб.Иқтисодиётни модернизатсиялаш шароитида Шарқий Осиё мамлакатларида саноатни ривожлантириш стратегиясининг концептуал асослари	
1.1. Миллий хўжаликлар саноатининг ривожланиш стратегияси моҳияти ва тамойиллари.....	
1.2. Инновацион иқтисодиёт шароитида Шарқий Осиё мамлакатлари саноатининг ривожланиш омиллари.....	
1.3 I боб бўйича хулоса.....	
II-боб. Корея Республикаси саноати ривожланишининг замонавий хусусиятлари	
2.1. Корея Республикаси саноатидаги таркибий ўзгаришлар ва уларнинг омиллари.....	
2.2 Корея Республикаси саноатининг замонавий ҳолати ва динамикаси таҳлили.....	
2.3. II-боб бўйича хулоса.....	
III-боб.Корея Республикаси саноат ишлаб чиқариш ривожланишининг истиқболлари	
3.1. Корея Республикаси саноати ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларини такомиллаштириш йўллари.....	
3.2. Корея Республикасининг Ўзбекистон билан саноат соҳасидаги ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш	
3.3. III-боб бўйича хулоса.....	
ХУЛОСА	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

I-БОБ.ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАТСИЯЛАШ ШАРОИТИДА ШАРҚИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДА САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

1.1 Миллий хўжаликлар саноатининг ривожланиш стратегияси моҳияти ва тамойиллари.

Саноат ривожланиши иқтисодий ўсиш стратегиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Кўп мамлакатлар маълум бир саноат сиёсатини олиб боришади, бироқ вақт мобайнида уларнинг мақсад ва йўналиши кескин фарқланиши мумкин. Ривожланиш шароитини халқаро ва миллий даражаларида ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, ривожланаётган давлатлар саноат сиёсатини самарали олиб бориш имкониятларини қайтадан кўриб чиқишлари керак. Саноат сиёсатининг самарали ўтказилиши унинг аниқлиги, мақсад ва вазифаларининг маълумлигини тақозо этади.

Ривожланган мамлакатларнинг замонавий саноат сиёсати учун мураккаб таркибий мақсад – вазифаларнинг йўқлиги хос, бу эса биринчи навбатда юқори диверсификатсияланган бизнес таркиби натижасида вужудга келган.Шунинг учун саноат сиёсатининг муҳим “манзили” сифатида у ёки бу мамлакатда шаклланган корпоратив тузилмалар намоён бўлмоқда.Айнан шу ерда ўсиш даражасида умуммиллий ривожланиш ресурслари билан мужассамланган,бошқариш компетенсияси юқори технологиялар ва молиявий ресурслар ҳамда профессионал кадрлар(маркетологлар, топ-менеджерлар), мавжуд.

Замонавий саноат сиёсатида муҳим ўринни корпоратив бошқарув эгаллайди. Корпоратив бошқарув – фирмалараро ва бошқа иқтисодий субъектлар ўртасидаги мураккаб муносабатлар тизими бўлиб, унда тадбиркорлик муҳит корпоратсия тўғрисидаги қонун билан бошқарилади. Қимматбаҳо қоғозларни, инвестиция, фонд бозори процедураларини функционаллаштириш, бухгалтерия ҳисоботи ва солиқ қонунлари

стандартларини ишлаб чиқиш ва ишлатиш доирасидаги қоидаларни бошқариш демакдир.

Корпоратив бошқарув инвесторларини қарорига ва таваккал доирасида фирмалар стратегиясига, янги технология ва “инсон капитали”га инвестицияга таъсир кўрсатиб, улар ўз навбатида ресурсларни тақсимлаш ва капитал оқимига айланади.

Миллий саноат сиёсатининг муҳим омили бўлиб, умрбод бўлмаган инвестицияни оширишдан иборат (интангибле инвестмент). Саноатни узок муддатли ўсиши ва мослашишида инвестиция муҳим рўл ўйнайди. Замонавий шароитда инвестиция таркиби ўзгаришларни бошдан кечирмоқда, чунки фирманинг самарали фаолиятида янги технология, билим, профессионал тайёргарлик, бизнес ташкиллаштириш ва дастур таъминотининг аҳамияти ўсиб бормоқда.

Айтиш мумкунки, бозор иқтисодиёти позитсиясидан мамлакатнинг экстремал саноат сиёсати бўйича: давлат яхшироқ билади (“говернмент knows best”), ҳамда ресурсларни тўғри тақсимлаш контсептсияси билан бизнес рози эмас. Бизга мамлакат саноат сиёсати керак эмас, бизнеснинг саноат стратегияси-янада самаралироқ деган бизнеснинг экстремал контсептсияси билан давлат рози эмас.

Тенг ҳуқуқли ҳамкорлик шароитида, давлат ва бизнеснинг стратегик ўзаро таъсири асосида давлат соҳасидан миллий рақобатбардош саноат сиёсатига эволютсия, ҳозирги вақтда кўп мамлакатлар интилаётган йўналиш ҳисобланади.

Шу билан бир вақтнинг ўзида кўп мутахассислар тан оладиган факт, бу ҳар бир мамлакат ўзгача ва такрорланмайдиган тарихий, ижтимоий-иқтисодий, табиий, этник ва бошқалар билан тавсифланади, бу эса ўз навбатда давлат хусусан саноатни ривожлантиришга олиб бораётган иқтисодий сиёсатга таъсир кўрсатади. Бундай ҳолатни инобатга олиб, шуни таъкидлаш жоизки, турли хил саноати ривожланган мамлакатларнинг саноат соёсатидаги ўхшашлик муҳим аҳамият касб этади. Келажакдаустунлик

киладиган хусусиятларни баҳолаш, жараёнларни дифферентсияллаштириш ва унинг янги этапда трансформатлаштириш умумийлик даражасини баҳолаш ва бундай сиёсат омилларини янада яхшироқ тушуниш имкониятини беради. Ҳар қандай умумийлик каби иқтисодийлаштирилган саноат сиёсатига эга минтақанинг ажралиб туриши, у ёки бу мамлакатнинг миллий ўзига ҳослиги абстракт маҳсулотга эга, шунинг учун ҳам маълум бир даржада шарт-шароитлар қийинчиликлар туғдиради.

Саноат сиёсатидаги Зта „марказ“ (минтақаларни ажратиш мумкин), унинг ҳар бири биринчи навбатда ўзига ҳослиги билан ажралиб туради, узок вақт давомида тарихий ривожланиш саноат сиёсатида ўзига ҳосликни келтириб, ўзининг илдиз отган минтақалар ва давлатнинг доминант концептсияси ролида асос топади. Минтақавий иқтисослик омиллари, яъни у ёки бу стратегик муҳим табиий ресурслар билан таъминланганлик, саноат соҳалари тизими, миллий бозорлар ҳажми давлат фаолиятида либерал, автократ йўналишларнинг сиёсий кучининг роли, иқтисодий ва бошқаларда хусусийлаштириш соҳалари фарқланиши ўзида аҳамият касб этади.

Юқорида айтиб ўтилган минтақавий ихтисослик омиллари саноат сиёсати эволюциясининг замонавий этапида ҳам таъсир кўрсатиб келмоқда (2000 йиллар бошида). Шу билан бир вақтнинг ўзида, шундай сиёсат муаммоларига (жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви, рақобатбардошликнинг ошиши, минтақавий гуруҳлар даражасида иқтисодий интегратсион жараёнларнинг кучайиши) таъсир кўрсатадиган умумий омиллар биринчи ўринга чиқмоқда. Бу миллий саноат ривожланишига давлатнинг назарий ва амалий таъсири турли хил минтақалардаги давлатлар ўртасида ўхшашликка олиб келади. Бу “умумий бошланиш” ҳаракати таъсирида маълум бир фарқланиш доирасида сақлаб қолинадиган мураккаб диалектик жараён ҳисобланади.

Осиё минтақасида давлат саноат сиёсатининг ўзига ҳос тури ташкил топган бўлиб, уларни биринчи навбатда Япония ва Корея Республикасида

кўриш мумкин. Унда Европа минтақалари билан яқинлаштирадиган шароитлар бор, лекин бир вақтнинг ўзида Осиёча ёндашув ҳам бор.

Ўтмишдан минтақадаги кўп мамлакатлар узоқ вақт давомида сиёсий, иқтисодий ривожланган давлатлар қаторига кириб, унда ривожланиб борган ва янги даврда “феодал ва автаркияни узиб ташлаган”, ғарбий таъсири сингдириб, жаҳон бозоридан шарқий феодал давлат ташкилотлари таъсири остида бекитилган жаҳон бозорини ўрганган. Ғарбнинг таъсири шарқий урф-одатларга сингиб, натижада оригинал синтезни вужудга келтирди, саноат бизнес фаолиятида ҳам давлат тизими фаолиятида ҳам қуйида кўрсатилган Осиё минтақа мамлакатлари ривожланиш тарихи, Япония ва Корея Республикаси мисолида мамлакат саноат сиёсати муаммоларида ўз аксини топиб, миллий саноат сохаларида ва давлат томонидан уларни ечиш методларига тегишли саволлар ечимини аниқлаштиришган (схема 1).

1.1-жадвал

Япония ва Корея Республикасининг замонавий давлат саноат сиёсатини асосий мақсад ва вазифалари:

Мамлакатлар	Мақсад	Воситалар
Япония	Экспортга йўналтирилган ривожланиш; Анъанавий сохалар аҳамиятини тушириш;	Иқтисод саноат ва савдо вазирлигининг бош мақсади тизимли сиёсат (селектив тармоқ дастури ва саноат тизимини бошқариш саноат сиёсатини макроиқтисодий турини ишлаб чиқиши ва ўтказишлар, пул-кредит, налог, бюджетлар.
Корея Республикаси	Фан-техника инқилобининг янги ютуқлари асосида саноатни ўсишини ҳамда уни жаҳон хўжалигига интеграциялашувини таъминлаш; Ноу-хау, технология хорижий капитал уларни очиқликни таъминлаш; Кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш; Ресурсларини самарасиз ишлатиши билан ажралиб турадиган “чеболлар” ёрдамидан воз кечиш;	Инвеститсион ва солиқ сиёсати; Хорижий капитални жалб қилиш; Экспортга йўналтирилган миллий ишлаб чиқаришни ташқи рақобатдан ҳимоя қилиш ва ўсишни рағбатлантириш; Хорижий фан техник инновацияларини сотиб олишнинг патент сиёсати;

Манба:Муаллиф томонидан тайёрланган

Осиё минтақасини ғарб минтақаси билан ўхшашлик жиҳати, миллий саноат соҳалари муаммоларига давлатнинг актив аралашувидир. Осиё давлатлари саноат соҳаларида бўлаётган жараёнларига актив равишда аралашниши ўз бурчи деб билади, яъни хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан хавфли рақобатдан қутқаришни, ташқи бозорлардаги экспансияда ёрдам беришни таъминлайди. Саноатни ташқи иқтисодий фаолиятига қилинаётган урғу, Осиё минтақасининг ўзига хос мамлакат саноат сиёсати деб ҳисобласак бўлади.

Осиё минтақасида “давлат-саноат бизнеси” муносабати моделини оригинал деб ҳисобласак ҳам бўлади. Унга давлат ва бизнес ўз ташкилотчилари томонидан “кенг фронт бўйлаб” актив равишда ўзаро қўшилиш. Корея Республикасида “Чебол” каби молия-саноат кангломератлари-давлат сиёсатини шаклланишида оила назоратидаги саноат гуруҳларининг актив иштирокининг яққол намоёндаси Япониянинг катта миқдоридаги акцияси, шунингдек саноат капитали корпорациянинг қаттиқ назорати остида ётади. “Кейретсу” номи билан номланган саноат гуруҳлари ташкилотларига айланган оутсайдерлар, саноат сиёсатини ишлаб чиқиш доирасида давлат фаолиятига актив равишда таъсир кўрсатади, давлат эса уларнинг муаммоларини ҳал этишда актив иштирок этади.

Корпоратив тусга эгалик давлат саноат сиёсатини ҳаётига тадбиқ этиш ва осийча турини ишлаб чиқаришда фарқланади, бу эса Шимолиямерика турига нисбатан бу минтақани қарама қарши “қутб” га айлантирди. Европа минтақаси бизнес ва саноат сиёсатидаги давлатнинг аралашуви даражасидан ўрта мақомга эга.

Охирги йиллар Осиё минтақаси учун ривожланишнинг агрессив давлат сиёсати ва ташқи бозорларда сақланиб қолган экспансия, саноат маҳсулотлари импортидан ҳимоя, саноат ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларни рағбатлантириш натижасида иқтисодий ўсишни таъминлаган (бирок Японияда бунга эришиш имкони бошқа бўлгани йўқ). Бу минтақада Шимолий Америка ва Ғарбий Европадан фарқли ўлароқ минтақанинг

алоҳида давлатлари орасида саноат сиёсати координатсиясини мураккаблаштириш хусусияти унчалик сезиларли даражада эмас.

Умумий тушунчада бозор иқтисодиётида саноат сиёсати инноватсион, рақобатбардош ва саноат ривожланишининг самарадорлигини бошқариш ҳамда табиий йўл билан ўтиб бўлмайдиган тўсиқларни, яъни бозор ўзини ўзи бошқариш механизмларини йўқотиш мақсадида давлат тизими сифатида шаклланади.

Тарихан, кўпчилик саноатиривожланган мамлакатларда тўғридан-тўғри бошқариш методлари саноат сиёсатида доминант бўлган. Муболаға қилиб айтганда, давлат бошидан касалликни профилактикаси ҳамда тадбиркорлар атроф -муҳитини соғломлаштириш билан шуғулланмасдан, постфактум уларнинг гуруҳда ва индивидуал “даволаш” билан, яъни алоҳида компания ва ишлаб чиқаришни алоҳида соҳаларининг соғломемаслиги тўғрисидаги сигналга асосланиб иш тутган. Бу сабабга кўра, давлат бюджет маблағларини ишлатишда маълум бир ишлаб чиқаришни селектив соҳавий қўллаб-қуватлаш каби инструментлар кенг қўлланилган. Солиқ имтиёзлари, кредитлар, давлат дотатсиялари шулар жумласидандир.

Ўша ғоя қатори, яни “давлат ўзининг бор кучини ишлатиб бозор камчиликларини компенсациялаш” каби ғояни Европа давлатлари қатори, кейинчалик эса кўп ривожланган мамлакатларда ИИ жаҳон урушидан кейинги ўн йилликда амалиётда қўлланган иқтисодий соҳаларнинг (кредит-молия, транспорт, алоқа) инфратузилма фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган ва саноатни миллийлаштиришнинг кенг дастурларини ҳам кўриб чиқиш керак.

Саноатга давлатнинг тўғридан-тўғри таъсирининг бошқа бир фалсафий асоси, “хавфли хорижий рақобат олдидаги миллий соҳалар кучсизлигига давлат қарши кўрсатиши” тўғрисидаги тезис бўлган. Шу сабабга кўра, кўп саноати ривожланган мамлакатлар давлат тизими ички бозорда импортни камайтириш чоралари актив равишда қўлланилган (божхона тариф сиёсати, тарифдан ташқари барерлар, олиб киришни квоталаш) ва, аксинча, етарлича

рақобатга эга бўлмаган миллий саноат соҳаларини экспорт орқали рағбатлантириш (экспортда солиқ имтиёзлари, нархларни ушлаб туриш, давлат ташқи савдо вакиллари орқали маҳсулотни олдига суриш жараёнини тўғирлаш, соҳавий экспорт бирлашмаларни ҳамкорлаш ва рағбатлантириш).

Фан-техника инқилоби аҳамиятининг ўсиши шароитида ратсионал, прогрессив ва саноати самарали миллий тизим пропортсияларини (соҳа даражасида ҳам хусусийлаштириш ва ташкилот даражасида ҳам) ушлаб туриш муҳимлигини давлат тушуниб, саноат тизимини яхшилаш ва “тўғридан-тўғри” аралашув нисбатан муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек фан талаб, рақобатбардош ишлаб чиқаришни кичик ва ўрта бизнес соҳаларини (техник инқилобни муҳим етакчиси) рағбатлантириш йўналишида ҳам муҳим рол ўйнайди. Хусусий илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишларини давлатникига қўшилган, давлат соҳаси хусусий бизнесидан технология трансфертига, тезлаштирилган амортизатсия методлари техник инқилобни маълум бир йўналишларига боғланган. Шу билан бир вақтнинг ўзида шуни таъкидлаш жоизки, саноат модернизатсиялашни тезлаштириш ва фан-техника инқилоб ютуқларини киритишда давлатнинг ёрдами бошиданоқ ўз ичида нафақат микроиктисодий (тўғридан-тўғри) таъсир кўрсатган (ёрдам фақат саноат, унинг алоҳида соҳа ва фирмаларга кўрсатилган), балки макроиктисодий (атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш орқали саноатни қўллаб-қувватлаш) элементларни ҳам ўз ичида мужассам этган. Гап шундаки, давлат илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишлари доираси, кўпиница, кенг, стратегик, фан-техника мавзуларини ўрганиб борган (энергетика, биотехнология, информатика ва бошқалар), саноат модернизатсиялаш шарт-шароитларига ижобий таъсир кўрсатган.

Давлат саноатга тўғридан-тўғри таъсир доирасида ривожланишнинг худудий мувозанатга эга эмаслик, яъни минтақавий диспропортсия муаммосига эътибор қаратган. У ёки бу давлатни индустриал худудлардаги

ривожланмаган ижтимоий қизғинлик саноат ташкилотларини ҳудудий ривожланиш давлат дастурини ишлаб чиқишда акс этган.

Саноат ривожланишда қўлланиладиган бозор кучини коррекциялаш зарурияти тўғрисидаги “либерал ҳокимият” ғояси доирасида, Шарқий Осиёда катта ривожланишга эга бўлган, давлатни саноатга актив тўғридан-тўғри таъсири индектив режалаштириш методини ўзида мужассам этган. Ижтимоий давлатларида қўлланган бу методларни бозордан ташқарида бўлган директив режалаштиришда қўллаш мумкин эмас, бироқ улар бозорга таъсир кўрсатишни назарда тутган. Тажриба шуни кўрсатдики, индектив режалаштириш доирасидаги прогнозлаштириш-миллий саноат бизнесининг келажакдаги фаолияти ва шу фаолиятда кутилган муҳит шакллантириш йўналишида муҳим омил ҳисобланади, бироқ прогнозлаштириш жараёнининг ўзи ҳам ишонч ва аниқлик даражасини кучайтиришни талаб этади.

Тўғридан-тўғри давлат саноат сиёсатининг муҳим омили бўлиб – саноат соҳалари маҳсулотларини стандартлаштириш ва патент бошқариш хизмат қилади, чунки айнан шу омил маҳсулот сифат стандартларни ўрнатади ва модернизатсия жараёнига таъсир кўрсатиши билан бирга барча саноат корхоналари шунга интилади.

Бошқариш методларини кўриб чиқадиган бўлсак, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлат амалиётида улар қандайдир “очиқлик” ёки бўлмаса янги давр маҳсулоти эмас. Табиийки, саноати ривожланган мамлакатлар иқтисодий сиёсатида макроиқтисодий методлар узоқ муддатли ривожланиш тарихига эга. Қизиғи шундаки, охириги вақт давомида саноат даражасидаги муаммоларни ечиш воситаси сифатида бу метод муҳим аҳамият касб этиб, бозор ҳўжалиги шароитида саноат ривожланишининг давлат бошқарув методлар ўрнини босади. Кенг маънода муҳитда миллий саноат субъектларининг рақобатбардош ва соғломлигининг кафолати давлат ғоясига кўп мамлакатлар ўтишган. Буларга давлат фан-техника сиёсати

методлари, саноат тизимини рақобатбардошлигини шакллантириш методлари, индектив режалаштириш механизмлари киради.

Шарқий Осиё мамлакатларида 80 йиллардан бошлаб ва 90 йилларда актив равишда миллий саноат сиёсатининг янги контсептсияси ишлаб чиқилди ва унинг муҳим йўналишлари қуйидагича белгиланди:

Биринчидан, ягона давлат саноат сиёсатидан миллий саноат сиёсатига кардинал ўтишни амалга оширишни тан олиш, уни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этишда давлат, бизнес, фан ва жамоа ташкилотлари ва институтлар тенг ҳуқуқли иштирокчи ҳисобланади;

Иккинчидан, тармоқ саноат сиёсатидан рақобатбардош саноат сиёсатига ўтиш муҳим ҳисобланади (Фром “индустриал полисй” то “индустриал компетитивенесс полисй”);

Учинчидан, мураккаб иқтисодий ўсишнинг муҳим шароитлари информатсия, билимни тақсимлаш ва ишлатиш, ишлаб чиқариш бўлиб, инноватсион иқтисодиётга ўтиш янги саноат сиёсатидан детерминантлаштирилган ҳисобланади;

Тўртинчидан, иқтисодий ўсишда ресурсталаб саноат соҳалари (“пхйсисал-ресурсе-басед индустриес”) кам аҳамият касб этади, фан талаб, юқори нарҳдаги юқори технологик соҳаларни аҳамияти ошиб бормоқда;

Саноат сиёсати саноатни алоҳида тармоқлари ва давлат субсидияларига бошқа таянмайди, индустриал ривожланган бозор муносабатли мамлакатлар шунга амин бўлдики, “ютувчи-тармоқ” қўллаб қувватлашидан кутилаётган натижага эришиб бўлмаяпти ҳамда чегараланган бюджет сиёсати шароитида селектив ёрдам бериш қимматлик қияпти.

Давлат ўз эътиборини фирмаларнинг рақобатбардош, эгилувчан, инноватсион бўлиш имкониятини кўтарадиган тадбиркорлик муҳитни шакллантиришга қаратган, янги бозорларга киритилаётган ёки бошқатдан яратилаётган, фирмаларни рағбатлантирадиган ва рақобатбардошлигини оширадиган, бизнес муҳитини институтсионал реформаси – янги саноат

сиёсатининг муҳим омилларидан бири, чунки глобаллашув шароитида макроиқтисодий сиёсат саноат сиёсатини натижасига катта таъсир кўрсатади.

1.2 Инновацион иқтисодиёт шароитида Шарқий Осиё мамлакатлари саноатининг ривожланиш омиллари

Табиий, фан-техника потенсиали, ҳамда иқтисодий ривожланишнинг бошқа кўрсаткичлари бўйича Шарқий Осиё мамлакатлари бир-биридан фарқланса ҳам, саноат ривожланиш даврида, охириги 10 йил ичида катта муваффақиятларга эришди.

Шарқий Осиё саноатининг ривожланишига қуйидаги 4 омил орқали эришилган: 1) ривожланишнинг экспорт-саноат стратегияси; 2) хорижий капитални жалб қилиш; 3) давлат бошқаруви; 4) хўжалик субъектлари – миллий корпоратсиялар яратиш;

Кўпгина бошқа ривожланаётган мамлакатлар каби, Шарқий Осиё мамлакатларида биринчи 50-60 йиллар режали ҳужжатларида иқтисодий ривожланишнинг муҳим йўналишларидан бири индустриаллаштириш бўлиб, миллий иқтисодиётнинг динамик ривожланиши учун муҳим бўлган иқтисодий ва ижтимоий прогрессга эришиш, юқори технологияларни ишлатиб ривожланган қайта ишлаб чиқариш соҳаси билан тавсифланадиган замонавий иқтисодий тизимни яратишни назарда тутган.

50-80 йиллар ривожланаётган мамлакатларнинг 2 та турдаги бозор стратегияси шаклланди. Импортни ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган. Маълум бўлгандек, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш мамлакат ташқарисидаги аналогик маҳсулотлар импортини ўзининг маҳсулоти билан алмаштирадиган саноат соҳаларини ривожлантиришини талаб қилади.

Экспортга йўналтирилган сиёсат экспорт қилинаётган товарларнинг умумий ҳажмини оширади. Биринчи навбатда импорт ўрнини босиш стратегияси хронологик шаклланган. Чунки уни амалга ошиши осон кечади. Ҳақиқатдан ҳам, ички бозорда тўлов қобилияти мавжуд, уни фақат

хорижий фирмалардан олиш керак эди.Бунинг учун эса ички бозорга хорижий товарларни кириб келишини чегаралаш керак эди.

Божхона солиқларини ошириш, импортни контингентлаштириш, давлат сотиб олиш тизимини ўзгартириш орқали ички ишлаб чиқаришни рағбатлантирган.Импортни ўрнини босиш стратегияси, бошқаришни асосан административ усул билан осон амалга оширади.

Шарқий Осиёнинг индустриал ривожланиши ҳам импортни ўрнини босувчи ривожланиш модели билан бошланган.Кўп мамлакатлар учун уни қабул қилиш обектив зарурат бўлган.Қонунга кўра, ривожланаётган мамлакатлар учун савдо шароитлари 70 йилларда ёмонлашгани учун, импортни қониқтирмайдиган товарларга талаб тўлов қобилятининг нисбатан катта истёмол абсолют ўлчовга эга бўлган.Шунинг учун, истёмол товарларига талабни қониқтиришнинг ягона йўли ички ишлаб чиқариш билан импортни ўрнини босиш бўлган.Бироқ экспортга йўналтирилган стратегияни амалга ошириш қийин бўлган.Шарқий Осиё мамлакатларига жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқарадиган янги саноат соҳаларини яратиш имконияти бўлмаган.Маълум бир кўринишда қишлоқ хўжалик маҳсулот турларини қайта ишлаб чиқаришга йўналтирилган экспорт амалга ошиши мумкин эди.Лекин шу даврда жаҳон бозорида бу турдаги маҳсулотга талабнинг пасайиши кузатилди.

Шу билан бирга Шарқий Осиё мамлакатларида 50-60 йиллар ишсизлик юқори даражага етган, ва маълум бўлишича, уни камайтиришни оддий усули – истемол маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган кичик бизнесни ривожлантириш ҳисобланади.

1959-1968 йилларда Малайзия саноатининг ривожланишида импортни ўрнини босиш стратегияси қўлланилган. Деярли қисқа вақт давомида, 1959-1963 йилларнинг ўзида индустриал ўсишни муҳим омили,ички талаб бўлган, 1963-1968 йиллари эса, саноат соҳалари экспортни амалга ошира бошлашган.

Филлипинда импортни ўрнини босиш сиёсати 1950-1968 йиллар киритилган, Тайландда – 1960-1972 йиллар саноатни ривожлантиришга катта

эътибор қаратишган.Индонезияда 60-йилларнинг охирида бошланиб 70-80 йилларнинг ўрталарида тугаган. Сингапур географик жойлашуви ва ўзига ҳос тарихий ривожланиши туфайли – инглиз колонияси остида бўлганда катта ишлаб чиқаришда, маҳсулотларни Жанубий Шарқий Осиёдан Европага реекспортда ва Осиёнинг саноати ривожланган мамлакатларидан тайёр маҳсулотларни реекпортида ихтисослашган-ҳамда ички бозорни чегараланганлиги учун саноат ўсишини экспорт йўналтиришга мажбур бўлишган.

Жанубий Шарқий Осиё мамлакатларида импортни ўрнини босиш сиёсатини амалга ошириш соҳадаги хўжалик тизимни ўзгаришига олиб келди.Енгил саноат соҳалари тез ривожланди – текстил, оёқ кийим, озиқ-овқат, тамаки шулар жумласидандир.Кўрилаётган мамлакатлар иқтисодий ривожланишида ташқи омилларни аҳамияти кучайиб борди. Ички истемол бозорини маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлари билан тўйинтириш, импортни умумий ҳажмини камайиши эмас, балки тарқалиши кузатилган, бироқ унда ишлаб чиқаришга қаратилган товарлар улуши ўсган, натижада валюта ресурсларига талаб ошиб бросган, унинг қониқиши эса ўсиш потенсиали чегараланганлиги туфайли экспорт ҳом-ашёсини тарқалиш билангина амалга оша олмас эди. Ундан ташқари, халқаро меҳнат тақсимотига қармалик ошиб бораверарди, экспорт диверсификациясини талаб қилмас эди.Шунинг учун мамлакатлар қайта ишлаб чиқариш саноатининг экспортга йўналтирилган сиёсатига ўтиш имкониятини қидиришга мажбур бўлдилар.

Шундай қилиб, экспортга йўналтирилган сиёсатга ўтиш экспорт ўрнини босувчи стратегия имкониятларини йўқ қилиниши, мамлакат сифатли такомиллашган саноат потенсиали ва ўсиши билан боғлиқ. Бироқ, фақат ички сиёсат аспектларига эътибор қаратиш керак эмас.

Экспорт-саноат стратегиясини амалга ошиши ташқи омиллар катта таъсир кўрсатган, чунки уни ҳаётга татбиқ этилиши саноати ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги тизимни ҳамда ривожланаётган

мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимоти тизимидаги рўлини ўзгаришига олиб келган. 70-йилларда индустриал ривожланган мамлакатларда ойлик иш ҳақи ва ишчиларнинг ижтимои ҳимояси даражасининг ошиши кузатилган. Натижада, меҳнат талаб ишлаб чиқариш норентабел бўлиб қолди. Ишлаб чиқаришдаги харажатларни камайтириш мақсадида, ғарбий фирмалар шу соҳадаги ташкилотларни ривожланаётган мамлакатларга ўтказиб бошлади. Экспортга йўналтирилган сиёсат янги индустриал мамлакатлар саноати ривожланиши стратегияси каби, трансмиллий корпоратсиялар орқали рағбатланган.

Бу стратегия 70-80 йиллар Шарқий Осиё мамлакатларнинг индустриал ривожланишида амалга ошган: Сингапурда- мустақил бўлган даврдан бошлаб, (1957йил) тсиқлик инқирозгача, 1980-1982 йиллар Малайзия ва Филиппинда 1969 йил, Тайландда- 1973 йилдан 1980 йилларнинг охиригача, Индонезияда экспортга йўналтирилган сиёсатни татбиқ этиш кечроқ юз берган. Саноат потентсиалининг умумий кучсизлиги ва ички бозорни етарлича сиғувчанлиги саноатни динамик ривожланишини деярли 80 йилларгача импорт ўрнини босувчи стратегия асосида таъминлаган. Валюта ресурсларига талабни ўсиши нефт экспортидан келаётган даромад орқали қониқтирилган эди. Шунинг учун, айрим соҳаларни – текстил, тахтани қайта ишлаш, радиотехнология, электротехникани экспортга йўналтириш 1980-1982 йилги инқироздан олдин амалга ошган, бироқ конъюнктурани умумий ёмонлашиши жаҳон бозорида омадсиз кечган. Шарқий Осиё мамлакатлари индустриаллашувининг айнан шу даврида, асосан халқаро меҳнат тақсимоти тизимида ихтисослашган соҳалар яратилган. “Нисбий афзалликлар” принтсипига асосланиб, енгил саноат соҳаларини ривожланишига (текстил, оёқ кийим ва бошқалар) катта аҳамият қаратилган. Уларга хизмат кўрсатадиган соҳаларни кенг тарқалганлиги туфайли (сунъий толалар бирламчи кимё ишлаб чиқариш) оғир саноат соҳаларини ривожлантириш аста секин бошланди. Шунинг учун, улар жаҳон бозорида истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва экспортёри сифатида намоён бўлишган.

Саноати ривожланган мамлакатлар бозори учун айниқса муҳим бўлган ташқи бозорга маҳсулотни киритишда вақтинча қийин бўлган бўлса ҳам, улар истеъмол маҳсулотлари бўлиб қолаверади.

Бироқ, Жанубий Шарқий Осиё мамлакатларининг Янги Индуриал Мамлакатлари саноатни экспортга йўналтирилган сиёсатнинг тоза намуна турини намоиш этишга олмади. У нафақат импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, балки 70-йилларнинг ИИ ярмида ишлаб чиқариш маҳсулотларини импорт ўрнини босувчи стратегиянинг юқори чўққисига ўтиши бошланган.

Шарқий Осиё саноат ривожланиш тенденцияси 80-йилларда намоён бўлиб, индустриал ривожланишнинг янги 3 этапи бошланган, унда одатий меҳнат талаб ишлаб чиқариш капиталидан фан талаб соҳаларни ривожлантиришга ўтиш ва ўз фан изланиш базасини яратиш бошланган. Истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўналишларини (ханузгача ўзининг етакчилигини сақлаб келган) юқори ихтисосланган маҳсулотлар ва бошқа компонентларга аста секин ўзгартирилиши рўй берган. Маҳсулотларнинг экспортга йўналтирилганлиги биргаликда сақланиб келган. Индустриаллашувнинг бу даврини муҳим хусусияти илмий-изланиш ва тажриба конструкторлик ишланмалар ривожланишига давлат ва хусусий пул ажратмалари аста секин ўсиши ҳисобланади. 80-йилларнинг охирида Шарқий Осиё ЯИМ да илмий-изланиш ва тажриба конструкторлик ишланмалар ажратилаётган маблағлар улуши АҚШ ва Японияга нисбатан паст бўлган: Сингапурда 8,2%га тенг бўлган, бирлашманинг бошқа мамлакатада эса 1% да кам миқдорни ташкил қилган.

Бугунга келиб, юқори даромадга эга 7та мамлакатлар иқтисодиётидан, Сингапур(3 ўринда), Гонконг(Хитой)(8ўринда), Корея Республикаси(21ўринда), Япония (25ўринда), минтақадаги биринчи 6 та босқични эгаллашди. Сингапур минтақавий қатор қаторида, даромад ва харажат, инсон капитали ва изланиш, фан ва технологияга харажатлар, бизнес бошқарув соҳаларида глобал 1 ўринда бўлсада, бир вақтнинг ўзида

Гонконг(Хитой) бозор ва янгилик киритишга ажратилган харажатлари бўйича биринчиликни қўлга киритган(жадвал 1.2).

1.2 жадвал

Фан ва технологияларга ажратилган харажатлар

Мамлакатлар	Фан ва технологияга ажратилган харажатлар		Илмий ихтиролар	
	Рейтинги	Туган ўрни	Рейтинги	Туган ўрни
Сингапур	64,9	3	49,3	25
Хитой	61,8	5	76,1	4
Корея Республикаси	57,5	9	81,5	3
Япония	51,7	15	62,5	14
Гонконг	38,4	34	5,7	119
Малайзия	38,0	36	22,8	65
Таиланд	33,5	50	22,0	68
Ветнам	29,4	58	14,2	101
Филиппин	28,9	59	14,0	102

Манба: ГИИ 2012

Маълум бўлганидек узок вақт давомида Шарқий Осиё саноатининг ривожланиши саноати ривожланган мамлакатлардан келадиган технологиялардан асосланган, олдинда япон компаниялари бўлган хорижий фирмалар охириги пайтда янги индустриал мамлакатларга нафақат ишлатилаётган технологияни, балки яримўтказгичлар, оптик толалар, компакт дисклар каби юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ”ноу-хау” ларни юборишга қарамасдан, замонавий ФТИ талабларига жавоб берадиган хусусий фундаментал фандан йироқда бўлган шароитида юқори технологияларга мустақил эга бўлиш имконияти йўқлигидан, яъни ўзининг хусусий ривожланган фан изланиш базаси бўлмай туриб, Жанубий Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари жаҳон бозорида Япония ёки Америка ТМКлари билан реал рақобатбардош бўла олишини тасаввур қилиш қийин.

Шу мақсадда, янги индустриал мамлакатлар фан изланиш технопарклари дея номланадиган ҳудудларни фан талаб экспорт маҳсулотини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш учун хорижий ва маҳаллий фирмаларга имтиёзли шароитлар яратиладиган ихтисослашган ҳудудлар ташкиллаштиришни бошлаганлар. Саноатни фан талаб ихтисослаштиришга ўтиш 70-80 йиллардан Сингапурда бошланган, Жанубий Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатларида эса 10 йил кейин бошланган.

Шундай қилиб, охириги 30-40 йилда “Осиё йўлбарслари” қолоқликдан ривожланишнинг янада юқори даражасига сакрашни амалга оширишди. Жаҳонда ЯИМ ўсиш суръатларини энг юқори даражасига эришишга муваффақ бўлишган. 1960-1980 йиллар 6-13% йилига, 1990 йилнинг II ярмида 6-9%, III ярмида эса сезиларли даражада пасайиш кузатилган.

Очиқ турдаги иқтисодиётга ўтиш олимларнинг фикрига кўра 3 манфаатдир тарафларнинг қўшилишидан келиб чиқади: миллий буржуазия, давлат ва хорижий капитал. Давлат таъсири остида мамлакатнинг йирик иқтисодий сектори шаклланди, қоидага кўра, энергетика, транспорт, ер қазилмалари саноатини ўз ичига олади.

Натижада Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари хўжалигида катта тизимли ўзгариш юз берди. ХХИ аср бошларига келиб, ЯИМ тизимида саноат ишлаб чиқариши доминант бўлди, қишлоқ хўжалиги улуши эса (Сингапур ва Сянгандан ташқари) 10-20-% гача қисқарди. Саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажми бўйича Корея Республикаси жаҳон мамлакатларининг биринчи 10 лигига кирди, қолган янги индустриал мамлакатлар ҳам иккинчиликка киришди. Кейинчалик, бироқ Корея Республикаси, Филиппин, Сингапур, Тайванда ЯИМ да хизмат кўрсатиш соҳаси етакчи ўринни эгаллади. Лекин саноат улуши (Тайвандан фарқли равишда) 30-40% даражасида қолди. Малайзия, Индонезия, Тайланд ЯИМ тизимида эса саноат – 48,46-45% нисбий кўрсаткичлар билан лидер позитсияни ушлаб келган.

Жанубий Шарқий Осиё минтақаси мамлакатлари ривожланиш даражаси бир хил бўлмаган 15 дан ортиқ мамлакатлар иқтисодиётини ўзида мужассам этган. Хусусан, баъзи мамлакатлар инноватсион самарадорлик индекс моделини яратишнинг кучли таъсири остида бошқарилган: Ветнам, Хитой, Корея Республикаси, Япония, Индонезия мамлакатлари шулар жумласидандир.

Ҳозирги даврда Корея Республикаси, Гонконг (Хитой), Япония инноватсион самарадорлик индекси бўйича лидер мамлакатлар қаторига киради. Бироқ улар ичида айнан Корея Республикаси самарадор инноватор ҳисобланади(1.3жадвал).

1.3жадвал

Инновацион самарадорлик индекси (юқори даромадга эга мамлакатлар иқтисодиёти)

Мамлакатлар	Самарадорлик рейтинги	Инновацион самарадорлик бўйича тутган ўрни	Харажатлар бўйича тутган ўрни	Ишлаб чиқарувчанлик самарадорлиги	Фарқ	ЯИМ
Корея Республикаси	0,74	69	16	24	-8	31,753,5
Сингапур	0,69	83	1	11	-10	59,937,0
Япония	0,69	88	18	28	-10	34,362,1
Гонконг(Хитой)	0,69	110	2	25	-23	49,342,0

Манба: ГИИ 2012

Ҳозирги вақтда Осиёнинг янги индустриал мамлакатларининг кўпчилиги учун асосий йўналиш электрон саноат бўлиб келмоқда: 1990 йилларданок шу соҳа маҳсулотлари жаҳон улушининг $\frac{1}{4}$ қисмидан юқори бўлган элестрон ишлаб чиқариш соҳасининг ўзи ҳам секин аста ўзгариб келган.Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари арзон маҳсулот ишлаб чиқаришдан бошлашган (элестрон соат, микрокалькуляторлар, видео ўйинлар ва бошқалар), сўнг нисбатан қийинроқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтишган (рангли ТВ, видеомагнитофонлар ва ниҳоят персонал компютерлар). Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки янги индустриал мамлакатлар ривожланиш

даражаси билан электрон жихозларни Америка, Япония, Эвропа мосламаларидан йиғишдан ўзининг хусусий интеграциялашган ишлаб чиқаришни яратишга ўтиб, барча асосий технологик босқичларни ўз ичига олган.Шу билан бирга, алоҳида мамлакатларнинг ишлаб чиқаришда маълум бир ихтисослиги сақланиб қолган. Мисол учун, радио мосламалар ишлаб чиқариш бўйича Малайзия ва Сингапур алоҳида ажралиб туради, шунингдек ТВ ишлаб чиқариш бўйича Корея Республикаси, электрон соатлар – Сян Ган, портатив, персонал компьютерлар ва ноутбуклар – Тайванда ишлаб чиқарилади.

Жанубий Шарқий Осиё мамлакатларининг инфратузилмага хусусан информатион ва коммуникатион технологияларга ажратиладиган харажатлар ҳамда жаҳонда тутган ўрнининг бугунги ҳолатини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (1.4 жадвал).

1.4жадвал

Инфратузилма

Мамлакатлар	Инфраструктура		Информатион ва коммуникатион технологиялар	
	Рейтинги	Тутган ўрни	Рейтинги	Тутган ўрни
Корея Республикаси	64,2	3	90,2	1
Гонконг	63,4	4	77,6	7
Япония	61,6	7	75,5	10
Сингапур	60,6	9	84,1	4
Хитой	44,3	39	32,5	73
Малайзия	44,1	41	51,9	38
Таиланд	36,9	60	32,3	75
Филиппин	33,8	69	29,2	80
Ветнам	32,5	75	28,2	83
Индонезия	30,5	80	27,2	86

Манба: ГИИ 2012

Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари юқори технологик асосда иқтисодий қайта қурилиш тизимига таъсир қилган барча омиллар ичида меҳнат ресурслари омили алоҳида эътиборга эга. Етарлича табиий ресурсга эга бўлмаган, бу мамлакатлар меҳнат ресурсларига катта эътибор қаратади. Ундан ташқари аҳолининг табиий ўсиш суръатларининг ҳар доим ўсиб бораётгани ижобий натижаларга олиб келди. Айнан меҳнат ресурсларининг арзонлиги (Осиёнинг янги индустриал мамлакатларида ишчи кучи иқтисодий ривожланган мамлакатларга кўра 3-4 мартта арзон) бу минтақага ТМК ларнинг маълум бир даражада жалб қилди. Янада қизиқарлиси шуки, бу мамлакатларда ишчи кучи нафақат арзон, балки тартибли ҳамда етарлича малакага эга.

Юқорида айтиб ўтилган сифатларнинг охиригиси биринчи навбатда олий маълумот даражаси билан боғлиқ. Ҳақиқатдан ҳам, барча янги индустриал мамлакатлар умумий ўрта таълимни киритиб, умумий ҳамда замонавий стандартларга жавоб берадиган профессионал тайёргарлик даражасини оширганлиги сабабли, бундай муваффақиятга эришган. Давлатнинг барча муаммолари ичида таълим соҳасини етакчи ўринда турганлиги меҳнат ресурслари сифатини ўзгартирган “таълим соҳасида бум”га олиб келди. Осиёнинг янги индустриал мамлакатларининг “иқтисодий мўжиза”си асосида таълим соҳаси етакчи ўринда туради – декларатив эмас, балки ҳақиқатдан ҳам реал.


Бу мамлакатлар таълим соҳасига ЯИМдан 2,5% – 4,5% ажратишади, ЯИМнинг умумий ҳажмини инобатга олганда, деярли катта миқдорни ташкил қилади. Натижада олий маълумотли даражасига яқинлашиб қолишди: 1990-йил бошларида болаларнинг ўрта таълим билан таъминлаш 90%га етди. Корея Республикаси ва Тайванда ўрта таълимда 80% болалар ва ўсмирлар жалб қилинган, бу эса Ғарбий Европанинг кўпчилик мамлакатлари ва Япония эришган даражадан ҳам юқори ҳисобланади. Янги индустриал мамлакатларида ўрта мактабни битирганларнинг 1/3 қисми ўқишни университетларда давом эттиришарди. Удан ташқари, бу мамлакатлар

ёшларни ўқишга АҚШ ёки Ғарбий Европага жўнатиш имконияти билан кенг фойдаланилади. Мисол учун Сингапур Покистондек катта давлатга сиғадиган фукароларини хорижга юворади. Муҳими шундаки, уйда ойлик маош кам бўлса ҳам, хорижда ўқиётган студентларнинг кўпчилиги уйга қайтиб келишади.

Юқори даражали таълим инсон ривожланиш индекси каби муҳим синтетик кўрсаткичга ҳам ижобий таъсир кўрсатади, бу даража бўйича Сингапур, Сян Ган ва Корея Республикаси жахон мамлакатларининг иккинчи ўнлигига киради, Тайланд ва Малайзия эса – олтинчи.

Шунингдек тўртта мамлакатнинг Илмий-изланиш ва тажриба конструкторлик ишланмаларига кетган харажатлари ЯИМ 1-2% ташкил қилади, бу эса бошқа ривожланаётган мамлакатлардан уларни юқори қўйиб, Ғарб мамлакатларига яқинлаштиради. Ғарбий тажрибани қўллаган ҳолда, улар индустриал ва технологик паркларни ва технополисларни яратиш йўлидан боришди. 1990-йил ўрталарига келиб, бундай технополислар Осиё янги индустриал мамлакатларнинг кўпчилигида мавжуд эди (расм-1).

1-расм



Расм 1- Жанубий Шарқий Осиёнинг технополислари (Роготен Н.Н. бўйича)

Бунга яққол мисол бўлиб, Осиёнинг янги индустриал мамлакатларида Тайвандаги Синч Жу фан-саноат парки хизмат қилади. У ерда 2та университет, юқори технологиялар соҳасида ишлайдиган 10 дан кўп ишлаб чиқариш фирмалар бор. Бошқа бир мисол – йирик фан саноат Пинанг парки Малайзияда жойлашган. Бу оролни силиконли деб бежиз айтишмаган, жойлашган ташкилотлар яримўтказгичлар ёки чиплар ишлаб чиқаришда ихтисослашган. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган компьютер, ТВ, магнитофонлар уларсиз чиқазилмайди. Учинчи мисол – Сингапурдаги ишлаб чиқариш – изланувчи парк бўлиб, 10та давлат фан изланиш марказлари ва 45 та саноат корхоналарни ўз ичига олган. Янги индустриал мамлакатларининг иқтисодий стратегиясининг асосларидан бири, хорижий капитални максимал даражада жалб қилишга йўналтирилган сиёсат ҳисобланади. Шу мақсадда ҳокимият ва шўба корхоналар фаолиятидаги шароитни миллий фирмалар учун қабул қилинган дастурга яқинлаштириш сиёсатини олиб борди. 1970-1980 йиллар шу сиёсатда эркин иқтисодий ёки экспорт ҳудудлар яратиш асосий ўринни эгаллади, унда хорижий ташкилотлар маъмурий ва молиявий ҳарактерга эга афзалликларни қўллашади, бу давлат аралашувини чегараланганлиги, керакли инфратузилма эса камайтирилган тарифлар билан берилишини қайд этади. Ҳозирги вақтда бундай ҳудудлар Корея Республикаси, Индонезия, Тайван, Филиппин ва яна кўплаб янги индустриал мамлакатларда мавжуд. Кўп ҳолларда улар экспорт – саноат ҳудудлар сифатида тавсифланади.

Бироқ 1997-йил Осиё “йўлбарс”ларине ривожланиши бирданиги валюта-молия инқирози билан тўхтатилди, кейинчалик умумий иқтисодийга айланди. Бундай вазиятлар олдин ҳам кузатилган, бироқ 1997-1998 йилги инқириз айниқса чуқур тус олган.

Молиявий инқироз 1997 июлда Тайланд батининг курси тушиб кетиши билан бошланган. Унинг кетидан Малайзия, Индонезия, Филиппин миллий валюталарининг тушиб кетиши кузатилган, йилнинг охирига келиб Корея Республикаси, Сян Ган ҳамда Японияни тегиб ўтди. Бироқ энг кўп зарба еган

Индонезия бўлди, валюта 75% га қадрсизланди. Бир вақтнинг ўзида ЯИМ ўсиш ва саноат ишлаб чиқарилиши кўрсаткичлари пасайди. Кўпчилик мамлакатларда савдо баланс салдоси салбий кўрсаткичларни кўрсатди. Инқирозга қарши чора-тадбирлар ичида энг ноёби, бу: хар тўртинчи жанубийкорейс оиласи инқирозга қарши чиқишда давлатга ёрдам бериш учун, ўзининг қимматбаҳо буюмларини топширган, 2,5 ой ичида 225 тонна олтин йиғилган.

Инқирозни келиб чиқиши сабабларини кўп аналитиклар аниқлашга уринишган. Улар ичида Осиёнинг янги индустриал мамлакатлар иқтисодий моделини яхши ишлаб чиқилмаганлиги — мисол учун, экспортга йўналтирилган сиёсатга берилиб ички бозорни унутиб юборганлик, миллий валюта курсининг долларга боғлиқлиги (“долларлаштириш”) ва бошқалар сабаб бўлган. Шу қўшимча қилиш мумкинки, глобаллашув шароитида инқирозни нафақат Жанубий Шарқий Осиё ва Шарқий Осиё мамлакатлари сезишди, балки бошқа мамлакатларни ҳам четлаб ўтмади. Мисол учун АҚШдан Осиё мамлакатларига маҳсулотларни экспорти, инқироздан олдин бутун мамлакат экспортини 30%ни ташкил қилган бўлса, инқироздан кейин бу кўрсаткич камайди, шу билан бирга унинг савдо балансини дефитситини эса янада оширди. Инқироз йирик сиёсий ўзгаришларга ҳам олиб келди, ҳаттоки Индонезияда мамлакат раҳбари ўзгарди.

Инқироздан кейин мутахассислар Осиёнинг янги индустриал мамлакатлар экспортга йўналтирилган иқтисодиётда асосланган ривожланиш моделини қайта кўриб чиқишни таклиф қилишган. Ҳақиқатдан ҳам, меҳнат ресурсларининг малакаси ошиши билан, ойлик маош даражасининг ошиши ҳамда Осиё ЯИМда ишлаб чиқариш маҳсулотлар нархининг ошиши жаҳон бозорида олдинги рақобатбардошлигини йўқотишга олиб келди.

Бу мамлакатлар гуруҳининг яна бир мужим умумий хусусияти, иқтисодий очиклиги халқаро меҳнат тақсимотига чуқур кириб кетганлигидир. 1980-йилнинг охирида янги индустриал мамлакатлар улуши ривожланаётган жаҳоннинг саноат экспортининг умумий ҳажми 55%ни

ташқил қилди. 2005 йил ташқи савдо соҳасида Корея Республикаси ЯИМнинг 42% яратилган. Сингапур эса аҳоли жон бошига – 40 минг долл. миқдорида тўғри келадиган маҳсулот экспортида биринчиликни қўлга киритган. Бунга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, Шарқий Осиё мамлакатлари электроника бозоридан жаҳон автомобиллари электрожихозлар, кемалар, машинасозлик бозорига ўтишди. Кимё маҳсулотлари ҳамда енгил саноат бозорида ўз позитсияларига эга бўлдилар.

Ҳозирда Корея Республикаси жаҳонда инноватсион самарадорлик индекси бўйича 21 ўринни эгаллаб келмоқда, (2011 йил инноватсион самарадорлик индекси-20 ўринда). Шу билан бирга, Корея Республикаси янги моделлар ишлаб чиқиш бўйича етакчи ҳамда инноватсия соҳасида лидер мамлакатлар қаторига киришни давом этиб келмоқда. Бундай муваффақиятга эришиш қуйидаги 3 та пункт орқали эришилган: инфраструктура (минтақада 3-ўринда), бизнес бошқарув (25-ўринда), фан ва технологияга ажратилган харажатлар (9-ўринда). Корея Республикаси 2011 йили фан изланиш соҳасидаги (патент, олимларнинг публикатсиялари ва бошқалар) ўзининг биринчи ўрнини йўқотиб, уни Шветсария ва Шветсияга берди, ўзи эса 3 ўринни эгаллаб келмоқда. (1.5 жадвал)

1.5 Жадвал

Инсон капитали ва изланишлар


Мамлакатлар	Инсон капитали ва изланишлар		Таълим		Изланиш ва ривожланиш	
	Рейтинги	Тутган ўрни	Рейтинги	Тутган ўрни	Рейтинги	Тутган ўрни
Сингапур	68,3	2	58,2	44	63,3	9
Корея Республикаси	59,0	8	58,2	45	63,0	10
Япония	54,6	19	56,6	52	69,6	6
Гонконг (Хитой)	51,5	26	53,5	63	34,3	36
Малайзия	44,5	42	49,6	74	28,0	48
Хитой	31,4	84	52,2	67	32,4	39

Индонезия	29,9	92	48,6	80	17,2	90
Таиланд	27,6	101	43,8	97	18,8	84
Ветнам	26,1	107	42,9	100	16,7	94
Филиппин	20,7	121	23,6	135	12,2	120

Манба: ГИИ 2012

WIPO-жаҳон интеллектсуал салоҳият ташкилоти патент ва савдо “эквивалент ҳисобида” статистикани анализ қилди:

Патент ва савдо муддати, топ 5 та мамлакат Патент ишлатиш 2010йил (минг)



Манба: ГИИ 2012

Янги индустриал мамлакатлар иқтисодиётнинг ривожланиши аҳолининг турмуш даражасининг яхшиланишига олиб келади. Шундай қилиб бу мамлакатларда 1960 йилларнинг ўрталари 1990 йилларнинг бошларигача аҳоли жон бошига йиллик даромад 4 баробаргача ошди. Халқаро мутахассислар фикрича, Шарқий Осиё мамлакатлари 2010 йилда ЯИМ ҳажми бўйича Ғарбий Европани, 2020 йилга келиб эса Шарқий Американи ортда қолдириши мумкин.

Шундай қилиб янги индустриал мамлакатлар бошқа ривожланаётган мамлакатларга нисбатан ўсишни таъминлайдиган омилларга, биринчи навбатда технологик ютуқларни актив равишда ишлатиш, иқтисодиётга инвестиция киритишни рағбатлантириш, айниқса саноат ва инфратузилмага, бошқа ривожланаётган мамлакатларга ташқи савдога йўналтирилган сиёсатни кучайтиришдан иборат бўлган.

II-БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Корея Республикаси саноатидаги таркибий ўзгаришлар ва уларнинг омиллари

“Корея иқтисодиёти мўжизаси” га чамаси 40 йил олдин асос солинган. Ташқи бозорга йўналтирилган тез иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича 1961- йил қабул қилинган хўжалик ривожланиш дастурининг самарали амалга ошганлиги Жанубий Кореяни (20-йил ичида) янги индустриал мамлакатлар қаторига киришига имконият берган. Шунда ЯИМ деярли 200 мартагача ошган, аҳоли жон бошига эса 130 мартагача.

Корея Республикасида 1962-йилдан бошлаб 5 йиллик режалар ишлаб чиқилган. Бу режаларни амалга ошириш учун Иқтисодий режалаштириш вазирлиги тузилган. Бу вазирликнинг иқтисодий ривожлантириш стратегияси саноатни ривожлантириш, маҳсулотларни ташқи бозорга йўналтириш ва давлат томонидан экспортни қўллаб-қувватлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Шу сабабдан давлат томонидан экспортга субсидиялар ажратилган; солиқ ва божхонадан ўтадиган маҳсулотларга имтиёзлар яратилган. Маҳсулотнинг экспорти учун қулайликлар яратилган. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун катта миқдорда инвестициялар талаб қилинган. Шунинг учун хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлаш ва капитал маблағларини Ҳимоя қилишни кафолатлаш бўйича қонун ишлаб чиқарилган. Натижада хорижий капитал оқими миқдори 8 баробарга ошди. Бу йиллар давлат томонидан бир неча ислохотлар амалга оширилди ва шу пайтлар ЯИМ ўсиши қузатилди. Корея Республикасининг асосий ислохотлари 1961-йил киритилган марказлаштирилган режалаштириш орқали амалга оширилган. Бу режалар ҳукуматнинг иқтисодиёт сиёсати ва мақсадларини ҳамда давлат томонидан жиддий назорат қилинишини амалга оширади. Молиявий ресурслар ва банклар давлат томонидан назорат қилинади.

1. Биринчи 5 йиллик режа 1962-1966-йиллар давомида амалга оширилган. Унинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- Мустақил иқтисодиёт яратиш;
- Саноатлашган мамлакат қуриш
- Капиталларни ратсионал таъминлаш
- Ишлаб-чиқаришни такомиллаштириш

Шу мақсадга мувофиқ қуйидаги масалалар ҳал этилиши лозим эди:

- Деҳқонларнинг иш ҳақиларини ошириш
- Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш
- Мамлакатни энергия билан тўлиқ таъминлаш

1963-йил Корея Республикасида Иқтисодий режалаштириш бошқармаси тузилди. Бу вазирлик умумий иқтисодиётни ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш, давлат бюджетини қайта кўриб ишлаб чиқиш ва хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини амалга оширган. Кейинчалик бу бошқарма вазирликга ўзгарди.

2. Иккинчи 5 йиллик режа 1967-1971-йиллар давомида амалга оширилди. Ушбу режанинг асосий мақсади:

- Истеъмол товарлари экспортини ошириш
- Миллий даромадни ошириш
- Саноат тармоқларида оғир саноатни ривожлантириш ва кенгайтириш

Бу режани амалга ошириш учун жамғаришни оширишга ва инфлятсияни камайтиришга эътибор қаратилган. Иккинчи 5 йиллик режада ЯИМда саноатнинг улуши 26,8% бўлган. Экспорт эса 1967-1971 йилгача 645млн.доллардан 2,9млрд.долларга етди. Бу режа 1970-йил охирларида бажариб бўлинган эди.

Иккинчи беш йиллик дастурда экспортга йўналтирилган саноатга бевосита ўтиш кўзда тутилган. Саноатда экспорт салоҳияти истиқболли бўлган тармоқлар ажралиб чиқди. Бунда ҳукумат олдида турган вазифа шундаки, ушбу тармоқдаги хусусий тадбиркорлик ривожини учун барча шароитларни яратиш, шунингдек чет эл капитали асосида ишлаб чиқариш

соҳасини инфраструктурасини кенгайтиришдан иборат. Мамлакат иқтисодий ривожланишининг иккинчи беш йиллик дастури биринчи беш йилликнинг ҳукуматни саноат сиёсати ташкилий расмийлаштиришидаги мантиқий давоми ҳисобланади. Нисбатан йирик экспорт корхоналарини яратиш қисқа вақт ичида миллий саноат ишлаб чиқариш суръатини ўсишига олиб келди. Бунда миллий саноат ишлаб чиқариш 1960 - 1970 йилларда ўртача ўсиш кўрсаткичи 15%ни ташкил этган (қишлоқ хўжалигида – 3,5%). Шу билан бирга тузилмавий ўзгаришлар содир бўлди.

3. Учинчи 5 йиллик режа 1971-1976-йилларга тўғри келган.

Унинг асосий масалалари ва мақсадлари:

- Иқтисодиётнинг ўсишини таъминлаш
- Кореянинг бошқа минтақаларини ривожлантириш
- Аҳолининг даромадини ошириш
- Қишлоқ аҳолиси турмушини яхшилаш
- Экспортни 2,5 баробарга ошириш
- Оғир саноат корхоналарини кўпайтириш бўлган.

Бу режада асосан оғир саноатни ривожлантирилганлигини, ЯММ 1973-йилда 14% ўсган, экспорт ҳажми 3 бобарга ошган ва 1976-йил 10,5млрд.долларни ташкил қилган эди. Учинчи беш йиллик дастурда иккинчи беш йиллик дастурдаги саноатлаштиришни амалга оширишда сифатида оғир ва кимё саноатини ривожлантириш масаласи қўйилди. Асосий эътибор хорижий технологияни маҳаллий шароитларга мослаштириш, керакли малакали мутахассисларни тайёрлаш ва саноат ишлаб чиқариш тармоғини ўрнатишда илмий изланиш ишларини рағбатлантиришга ташкилий чора тадбирларни қабул қилишга қаратилди.

Учта беш йилликнинг муҳим натижаси кўриниб турган иқтисодий ўсишдир ва бу Жанубий Корея иқтисодиётида муҳим тузилмавий силжиш ҳисобланади. Бунини мисоли сифатида, экспорт қийматининг саноатда қайта ишланадиган маҳсулотнинг асосий қисми 1962-йилда 17%дан 1976-йилда 88%гача ўсди ва экспортнинг улуши Ялпи Миллий Маҳсулотдан ҳам тезроқ

ўсди. Энг катта қайта ишлайдиган саноат тузилмаси ўз йўналишини Жанубий Кореянинг катта капитал талаб қилувчи тармоқлари улушининг тез ўсиши томонга ўзгартирди. 1960-1968-йилларда Жанубий Кореянинг сермашаққат экспорт ҳажми импорт ҳажмидан анчагина юқори эди, лекин 1970-йилларнинг ўрталарига келиб бу кўрсаткичлар тенглашади.

1962- 1976-йилларда Ялпи миллий маҳсулотдаги жамғармаларнинг улуши 3%дан 27%гача ошди. Катта капитал талаб қилувчи тармоқни ривожлантиришга инвестиция ресурсларини жамлаш мақсадида 1974-йилда Миллий Инвеститсион Фонд ташкил этилди. 1970-йилларда оғир саноат лойиҳаларига тўғридан тўғри инвестицияларнинг 2/3 қисми тўғри келар эди.

Жанубий Кореянинг капитални модернизациялашнинг бошланғич босқичида капитал қўйилмалардаги давлат улуши 1960-1970-йилларда 70%дан ошар эди. Давлатнинг молиявий ресурслари машинасозликдан ҳам аввал оғир саноат тармоғини ривожлантиришга қаратилди. Давлат айниқса катта капитал талаб қилинувчи тармоқлар – энергетика, инфраструктура, нефтни қайта ишловчи саноат, пўлат ишлаб чиқариш, ўғит ишлаб чиқариш соҳаларида раҳбарлик қилган.

1970-йилларнинг охирида Жанубий Кореяда асосий эътибор экспорт тармоқларини нафақат ташқи бозордаги фаолиятларини натижаси сифатида, балки миллий такрор ишлаб чиқариш жараёнида бирлаштириш масаласига қаратилди. Экспортга йўналтирилган сиёсат ўз-ўзидан Жанубий Кореянинг иқтисодий ривожланишини ягона рағбатлантирувчи кучи сифатида қола олмасди. Шуниси маълум бўлдики, экспорт учун ишлаб чиқаришга оғир саноат тармоғидаги (асосан машинасозлик, металлни қайта ишлаш ва бошқалар) соҳаларини киритиш зарурияти туғилди, чунки ишлаб чиқариш сифатида экспортнинг ривожланиши энг катта олди-сотди алоқаларга эга бўла туриб, иқтисодий ўсишга энг катта таъсир кўрсатмоқда.

4. Тўртинчи 5 йиллик 1977-1981-йилларда бўлиб ўтган.

Асосий мақсади:

- Иқтисодиётни структуравий ўзгаришлар билан таъминлаш

- Ўзининг илмий изланиш ва конструкторлик тажрибаларни йўлга қўйиш
- Улар асосида саноатни технологик модернизатсия қилиш
- Маҳаллий электрон техникалар чиқаришнинг асосини яратиш бўлган

Тўртинчи беш йиллик (1977-1981 йиллар) дастурда Жанубий Корея экспортга йўналтирилган оғир ва кимё саноатини ривожлантиришда барча чора-тадбирларни қўллашни давом эттирди. Бу тармоқларнинг ривожланиши учун асосий молиявий ресурслар тижорат банклари томонидан етказиб берилди. Лекин Жанубий Корея иқтисодиётида тўлиқ импортга боғлиқ бўлган нефт нархининг ошиши мамлакат учун катта молиявий йўқотишларга олиб келди. Кўрсатилган муддатнинг охирида мамлакатда сиклик инқирознинг белгилари пайдо бўлди, ички иқтисодиёт секторининг ва экспортни ривожланишининг номутоаносиблиги бу инқироз белгиларини келтириб чиқарди. Шунингдек, ички бозорнинг торлиги ва хорижий маҳсулотларга сунъий ёпиқлиги ҳам таъсир кўрсатди. Натижада мамлакат саноат маҳсулотлари ҳажмини тезлик билан тушиб кетишини (1979-1981 йиллар), 1980-йилда Ялпи Миллий Маҳсулотнинг 5,2%га қисқаришини, инфляция суръатини 29% бўлганлигини, ҳамда Ялпи Миллий Маҳсулотдаги тўлов балансининг етишмаслик кўрсаткичи 9%ни ташкил этганлигини енгиб ўтди. 1980-йилларнинг ўрталарида мамлакатнинг ташқи қарзи 30 млрд доллардан 40 млрд долларгача кўпайди. Ички савдодаги ижобий салдонинг етарлича юқорилиги миллий иқтисодиётдаги қарзнинг аста секинлик билан камайишига ёрдам берди.

Марказлашган бошқарувнинг муҳим жиҳати бу кредит уюшмалари ва ссуда капитали бозори фаолиятини ҳукумат томонидан қаттиқ назорат қилинишидир. Ҳукуматнинг кредит-молия уюшмалари механизми устидан назорати саноатлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш ва ўзаро боғлиқликнинг самарали услуби бўлди. 1980-йилларда барча банк қарзларининг ярмини ҳукумат кўрсатмаси орқали берилган ссудалар ташкил

этарди. Жорий тизим иқтисодий ўсишни тезлаштириш учун ресурсларни жалб қилиш билан бирга чекловларни ўрнатилиши ссуда капитали бозори ривожланиши ва банкларнинг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Юқори иқтисодий ўсиш шароитида корхоналарнинг қарз олинган ускуналарнинг улуши тез суръатларда ошди. Бу ўз ўрнида банкларга бўлган боғлиқликни кучайтирди. Бу пайтда мамлакатдаги банкнинг фоизлари жуда ҳам юқори даражада бўлган ва монопол бўлмаган бизнес жуда ёмон аҳволга келиб қолган. 1980-йилларнинг бошида Чеболлар 75%га яқин банк кредитларини олдилар. Бу ҳолат корпоратсияларнинг кучли кредит қарздорлигини ва уларнинг активларидаги ўзининг капиталини улушини камлигини келтириб чиқарди. 1990-йилларда хусусий капиталнинг активларнинг умумий суммасидаги нисбати 20:80га етди ва буни оқибатида чеболларнинг фавқулодда молиявий камчилиги борлигини кўрсатди.

5. Бешинчи беш йиллик режа 1982-1986-йилларга тўғри келган, аммо 1983-йилдан қабул қилинган режа янги режа билан алмаштирилган. Унинг мақсади:

- ташқи қарзни камайтириш;
- машинатехник маҳсулотлар ва илм-фан ишланмаларини экспорт қилиш орқали тўлов балансини ошириш;

Ташқи қарзни камайтириш мақсадида молия-кредит сиёсатини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилган, қисқа муддатли қарзларни қаттиқ назорат қилиш бўлган. Режа мобайнида ташқи бозорда экспорт маҳсулотларини йўлга қўйиш бўйича турли қийинчиликлар юзага келгани сабабли режалаштирилган кўрсаткичлар қайта кўриб чиқилган. 1980-йил учун экспорт хажми 53млрд.долл. режалаштирилган бўлса 35,7млрд.долл.га, импорт хажми 55,6млрд.долл.дан 35,1млрд.долл.га камайтирилган. Бу дастурда мамлакатда хўжалик шароитларини тезлик билан ўзгартириш мақсади кўзда тутилди. Тўлов баланси ҳолатини яхшилаш билан бирга инфляцияни тушириш мақсадида давлат томонидан тартибга солинадиган молия ва савдо соҳаларини либерализатсия қилинди. Ҳолат тезда тикланди ва

1982-1984- йилларда Жанубий Кореянинг Ялпи Миллий Маҳсулотининг ўртача ўсиш суръати 8,5%ни (прогноз қилингандан 1%га кўпроқ), инфляция микдори режа қилинган 11%ни ўрнига 4%гача қисқарди ва тўлов балансининг етишмовчилиги кутилган 4,4 млрд. Долларни ўрнига 1,6 млрд долларни ташкил этди. Асосий секторлар ва иқтисод тармоқлари ривожланишидаги сақланиб қолган дисбаланс тузилмавий инқирозга олиб келди. Бунинг натижасида тузилмавий қайта қурилиш ва ишлаб чиқариш салоҳиятини технологик янгиланишга эҳтиёжи сезилди. Шунингдек, бешинчи беш йилликда асосий вазифа рақобатбардош деб ҳисобланган тармоқлардаги ишлаб чиқариш қувватини йўқотишга тўғри келди.

Аввалдан экспортга йўналтирилган саноат ҳукуматнинг илмий-техник жараёнларни рағбатлантириши орқали амалга оширилди. Ҳукумат илмий изланиш ва ишланмаларни ривожлантиришга хусусий капитал орқали қўллаб қувватлашни янада фаоллаштириш учун бир қанча солиқ имтиёзлари, чегирмалар ва изланишларда ишлатиладиган ускуналарни амортизатсия қилишда катта имкониятлар яратди. Ҳукумат ва хусусий инвесторлар орасидаги илмий изланиш ва конструкторлик ишланмаларига бўлган ҳаражатлар нисбати ўзгарди (1970-йилда 79:21 дан 1986-йил 20:80 нисбатга ўзгарди). Мамлакатнинг корпоратив секторига янги техника ва технологияни олиб кириш патент, литсензия олиш, ноу-ҳоу, муҳандислик хизматлари эвазига амалга оширилди.

6. Олтинчи бешйиллик режа 1987-1991-йилларни ичига олади.

- Мамлакатда экспортни ривожлантириш билан ЯИМ ўсишининг 50%ни таъминлаш

- Замонавий технологияларни жорий қилиш
- Вилоятларда ишлаб чиқариш комплексларини ривожлантириш
- Аҳоли яшаш даражасини яхшилаш

7. Еттинчи бешйиллик режа 1992-1996 йиллар ҳисобланади.

- Илм-фан соҳасини ривожлантириш
- Экспорт маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш

Бу режада ЯММ ўсиши ўртача 7,5%, аҳоли жон бошига ЯИМ 6,605 доллардан 10,440 долларга ошган. Қишлоқ хўжалиги, ўрмон саноати ва балиқчилик улуши қисқарди, қайта ишлаш тармоғи улуши 28.7%дан 32%га ошди. Режага кўра 1йил ичида экспорт 13,4%га (81млрд.долл. дан135млрд.долл.га) ошди, импорт эса 10%га (90,5млрд.долл.дан 135млрд.долл.га) етди. 1997-йилги молиявий инқироз Корея Республикаси саноати тармоқларига ўз таъсирини ўтказди. Бироқ бу тармоқларда ишлаб чиқариш хажми 1998-йилгача пастроқ кўрсаткичда бўлган бўлсада 1999-2000-йилдан яна ўсиш ҳолатига қайтган. 2000-йил яримўтказгичлар(13,3%), электроника(33%) ва алоқа воситалари(23%) тармоқларида 1999-йилга нисбатан ўсиш бўлган. Бу кўрсаткичларни ўсиш динамикасини 2008 йил ҳолатига кўра қуйидаги (2.1 жадвал) да кўришимиз мумкин.

2.1 жадвал

Соҳалар	Кичик ва ўрта бизнес	Йирик компаниялар	Умумий фоизда
Электроника	7,957	370	8,327 (48%)
Машинасозлик	3,222	242	3,464 (20%)
Кимё	2,421	215	2,636 (15%)
Қурилиш	963	96	1,059 (6%)
Озиқ-овқат	297	156	351 (2%)
Текстил	195	29	224 (1%)
Бошқалар	1,397	64	1,461 (8%)
Умумий илмий изланиш марказлари сони	16,452 (94%)	1,070 (6%)	17,522 (100%)

Манба: КОИТА илмий изланиш марказ

2.1 - жадвалда Корея Республикасидаги илмий изланиш марказларини соҳалар бўйича йирик ва кичик ва ўрта бизнесга тўғри келиши ва умумийдан неча фоизни ташкил этиши берилган. Бу жадвалга асосан, электроникага мўлжалланган илмий изланиш марказлари сони 8,327 та яъни умумий илмий изланиш марказларини 48% ни ташкил этмоқда. Шунингдек, бу ерда электроника соҳасидаги илмий изланиш марказларини 370 таси йирик

компанияларга ва 7,957 таси кичик ва ўрта бизнесга тўғри келаётганини кўриш мумкин.

Муҳими шундаки, 1960-1980 йилларда Жанубий Корея иқтисодиётининг тез ривожланиш тактикаси ва амалга ошиш стратегиясини ишлаб чиқишда “чебол” ларга йирик миллий Молия Саноат Гуруҳларига (МСГ) таянган давлат етакчи ўринни егаллаган.

XXI аср бошларида янги Жанубий Корея раҳбарияти йирик Молия Саноат Гуруҳларини (МСГ) ташкил этишни давом эттирди, бу билан нафақат “соҳага тегишли бўлмаган фаолиятини ” филиалларни четлаштириш, балки қолган соҳалар корпоратсия фаолиятини янада муҳимроқ йўналишларига жалб этишдир. Натижада, бозорда миллий саноат соҳаларида фақатгина етакчи ишлаб чиқарувчилар (яримўтказгичлар, электроника, автомобилқурилиш ва кимё саноати) қолиши қутилган.

Конгломератларнинг хусусий мулкининг қисми, ташкилотнинг раҳбарияти қисман сотилиши, тадбиркорлик фаолияти алоҳида тури билан ўзаро алмашинув стратегиялари амалга оширилган.

Корейс экспертлар баҳолашича, “оғир вазнли” кучсизланиб бораётган Жанубий Корея бизнеси билан яқин келажақда миллий венчур компаниялар рақобатлашишади, улар ўз навбатда миллий бозорда доминант бўлиб келаётган бозор шароитида ҳеч ким тенг кела олмайдиган йирик Молия Саноат Гуруҳлари- “чеболлар” ни йўқ қилмоқчилар.

1996-1998 йиллар Осиё инқирози оқибатларини Жанубий Корея омадли кечирди, экспорт базасини кенгайтириш инвеститсия ва истеъмолни рағбатлантириш йўли билан мамлакат иқтисодий ривожланишини рағбатлантиришга йўналтирилган комплекс чораларни амалга оширди. Муҳими шундаки, бунда Жанубий Корея иқтисодиётини радикал равишда трансформатлаштиришни давом эттиришга урғу қилинди.

Инқироз даврида мамлакатнинг олтин валюта захиралари анча камайди. Инқироздан олдинги даврида уларнинг реал ҳажми 30млрд.доллар даражасида бўлган бўлса, 1997 йил ноябрда эса 7 млрд.долларгача тушиб

кетган эди.Корея Республикаси иқтисодиётининг радикал ўзгаришларига ташқи алоқалардаги экспортга йўналтирилган иқтисодий ривожланиш стратегияси катта ҳисса қўшган.Бу стратегияга асосланиб кўпгина иқтисодий ривожланиш дастурлари омадли амалга оширилган. Натижада, 1962-2008 йилларда мамлакатнинг ЯММ 2,3дан 786,8 млрд.долларгача ошган, аҳоли жон бошига даромад 87 доллардан 16 минг 291 АҚШ долларни ташкил этди.

Ушбу вилоятлараро, ҳудудалардаги нотексликни бартараф этиш бўйича 1999-йилдан тузилмавий қайтатузиш дастурлари амал қилишни бошлаган.

Бу саноат дастури асосида 1999-йил маҳаллий ишлаб чиқариш тармоқларини қўллаб-қувватлаш миллий дастури тайёрланди. Унга кўра йирик шаҳарларда: Дегу шаҳрида – тўқимачилик тармоғи, Пусан – пояфзал тармоғи, Кванжу – оптоэлектроника, Кёнганнамдо – машинасозлик каби тармоқлар ривожлантирилди.

2.2- жадвал

Корея Республикасининг ҳудудлар бўйича янги инноватсион саноат тармоқлари тизими¹

Регион	“4+9” лойиҳаси доирасидаги маҳаллий саноатнинг базавий тармоқлари			
Сеул ш.	ИКТ	Биосаноат	Рақамли компонентлар	Молиявий ва тадбиркорлик хизматлар
Инчон ш.	ИКТ	Автомобилсозлик	Машинасозлик ва металлургия	Логистика
Кёнгидо провинсияси	ИКТ	Биосаноат	Маданият	Халқаро логистика
Пусан ш.	Кўрғазмали Информатион коммуникатион технологиялар	Автомобил эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш	Туризм	Порт логистикаси
Тегу ш.	Текстил саноати	Мехатроника (робот иш.ч.)	Мобил ва наноприборлар	Биосаноат
Кванджу ш.	оптелектроника	Автомобил эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш	Дизайн ва маданият	Маиший электроника
Дажон ш.	Информатион технологиялар	Биосаноат	Юқори технология детал ва материаллари саноати	Мехатроника (робот иш.ч.)
Улсан ш.	Автомобилсозлик	Екология	кемасозлик	Кимё саноати

¹ Kim.Y.S. Regional Industrial Policy in Korea – its Outcomes and Implications// KIET Industrial Economic Review. 2008.No 2 P. 20.

Кангвон провинсияси	Тиббиёт жихозлари иш. ч.	биосаноат	Материлларнинг янги турларини иш. ч. ва салбий оқибатларини олдини олиш	Туризм
Чунчонбукдо провинсияси	Яримўтказгич иш. ч.	Биосаноат	Уяли алоқа воситаси	Уяли алоқа воситаларини янги авлодини иш. ч.
Чунчоннамдо провинсияси	Электрон жихозлар	Биосаноат	Автомобил эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш	Ҳайтек маданияти, кўргазмали ИКТС
Чоллабукдо провинсияси	Умумий автомобилсозлик ва машинасозлик	Биосаноат (оziқ-овқат саноати)	Муқобил энергия манбалари	Туризм
Чолланамдо провинсияси	Кемасозлик учун янги материаллар иш. ч.	Биосаноат (оziқ-овқат саноати)	Логистика	Туризм
Кёнгсангбукдо провинсияси	Машинасозлик учун янги материаллар иш. ч.	Анъанавий Хитой тиббиёти	ИКТ учун электроника ва жихозлар	Туризм
Кёнгсангнамдо провинсияси	Интеллектуал машинасозлик	Биоматериаллар иш. ч.	Интеллектуал маиший прибор саноати	Мехатроника (робот иш.ч.)
Чежудо провинсияси	Электрон компонентлар	Биосаноат (космик саноат)	Экологияга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги	Туризм

Уч йилдан сўнг эса бундай турли тармоқлараро ривожлантириш лойиҳалари мамлакатнинг барча шаҳар ва вилоятларида “4+9” схемасига кўра амалга оширила бошланди.

Саноат стратегиясининг янги концепсиясини ишлаб уни амалга оширишда “4+9” лойиҳалари ишлатилди ва айнан шу лойиҳаларда вилоятларда фан ва янги технологияларни жорий қилишни ривожлантиришга урғу берилган. Бу янги дастурнинг ҳар бир босқичида бюджетнинг 50%и инноватсион технологиялар, инфротузилмалар, илмий изланиш ва тажриба конструкторлик ишланмаларини ҳамда инсон капитали сифатини оширишга сарфланади(2.3 - жадвал)

2.3- жадвал

Корея Республикаси саноат сиёсати концепсияси доирасида инвестиция киритилувчи асосий йўналишлар, млрд вон.

Йўналишлар	4 та регионда		9та регионд а (2002-	Худудий инфраструктуран и ривожлантириш	Дастур натижасиг а кўра
	Биринч и босқич	Иккинч и босқич			

	(1992-2004 й.)	(2004-2008й.)	2007й.)	датурлари доирасида	
Инноватсион инфраструктуран и ривожлантириш	3.302	3.075	5.212	1.194	12.783
Илмий изланиш ва тажрибавий конструкторлик ишланмалари	1.903	5.162	1.810	0.367	9.269
Корпоратсияларн и техник қўллаб қ.	1.791	1.091		0.059	2.941
Саноатни ривожлантиришн и режалаштириш соҳасида мутахассисларни тайёрлаш	-	0.168	0.440	-	0.608
Тармоқлар бўйича жами	7.023	9.496	7.462	1.619	25.600

Манба:Ким.Й.С. Регионал Индустриал Полисий ин Кореа – итс Оутсомес анд Имплисатионс// КИЕТ Индустриал Эсономис Ревиеу. 2008.Но 2 П. 20.

Саноатни ривожлантиришнинг янги стратегияси аслида 2004-йил шаклланган ва “4+9” лойиҳасининг давоми бўлди. Бу стратегия ўз олдига қўйган мақсадларни амалга оширишда жуда кенг чора-тадбирларни ва асосий йўналишларни босқичма-босқич аниқлади. Бу стратегиянинг 2004-2008 йилларда биринчи босқичини кенгрок кўриб чиқилади ва ҳар бир блокларни ёритиб берилади:

1. Миллий иқтисодиётни инноватсион асосларини ташкил қилиш, бунинг учун:

- Ҳудуд бўйича инноватсион тизимни яратиш , бу мақсадда илмий изланиш институтларидан, олийгоҳлардан, нодавлат нотижорат ташкилотлатлари вакилларида Кенгаш ташкил қилинди; шу аснода жойларда олд билимлар ва ғояларни ўзаро алмашиш учун ярмаркалар тузилди.

- Ҳудудларнинг инноватсион салоҳиятини ошириш мақсадида:

- а) кадрлар етиштирувчи маҳаллий олийгоҳларда инноватсион салоҳиятни ва рақобатбардошликни мустаҳкамлаш; биринчи босқич учун ҳукумат 1.3трлн.вон (около 1млрд.долл) сарфлашни режалаштирган.

б) вилоятларда юқори малакали мутахасисларни тайёрлаш, илмий изланиш ва тажриба конструкторлик ишланмалари учун асосий ахборот базасини яратиш;

с) ҳудудларда технопарклар, технологик инноватсия ва изланиш марказлари сонини кўпайтириш.

- Инноватсион жараёнда иштирок этувчи ташкилотлар, институтлар ўртасида алоқа тармоқларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш;

- Жойларда инноватсион кластерларни ривожлантириш (Дедук технополисида илмий изланиш маркази асосида инноватсион кластер ташкил қилиш), олтита саноат комплексларини инноватсион қайта қуриш(Жангвон, Гуми, Улсан, Кванджу, Бангвон-Шива ва Вонджу);

2. Қишлоқ ва бошқа қолоқ ҳудудларни қўллаб-қувватлаш; ҳудудларда мавжуд ресурс ва маблағлар асосида иқтисодий ўсишни йўлга қўйиш

3. Миқдорий ривожланишдан сифатли ривожланишга ўтиш; Седжон шаҳрини янги бошқарув пойтахтига айлантириш, 2011-йил қурилиш ишларини якунлаш режада; 2012-йил эса бу ерга Сеулдаги кўплаб бошқарув органлари кўчирилади; келажакда илмий изланиш институтлари ва олий ўқув юртлари фаол бўлган районларда узатувчи рақамли технологиялар ривожлантирилади.

Корея Республикаси иқтисодий ўсишини ривожланиш даражаси бўйича тан олинган етакчи соҳалар ушлаб турибди. Автомобил қурилиш, кemasозлик ва металлургия – Корея Республикаси иқтисодиётининг етакчи соҳаларидаги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари қуйидаги диаграммада кўрсатилган.



2-расмда берилган маълумотларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, Корея Республикасининг электроникага ажратадиган маблағи бошқа соҳаларга ажратиладиган маблағлардан анча кўпдир.

Корея Республикаси жаҳонда йирик кема ишлаб чиқарувчи ҳисобланади; яримўтказгичлар ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда 3-ўринни эгаллайди, рақамли электрон аппарат ишлаб чиқариш бўйича 4-ўринни, текстил, темир, нефт, кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми бўйича мамлакат 5-ўринни эгаллайди, ишлаб чиқарилган автомобиллар сони бўйича жаҳонда 6-ўринда. Охирги 3 йил ичида кemasozlik соҳаси бўйича Жанубий Корея саноати 1-ўринни эгаллаб келмоқда, 2005-йилда жаҳондаги кема қурилишга тушган барча буюртмалардан 40% ини Жанубий Кореяга тўғри келган.

Иқтисодий ўсишга асос соладиган эгилувчан макроиқтисодий сиёсатни амалга ошириш билан бирга молия ва корпоратив секторларда қайта тизимлашни кейинчалик ҳам ўтказишларни ҳамда шу реформалар йўналишида мамлакат ҳокимияти иш тутиши даркор.

²KOITA ilmiy izlanish markazi

Корея республикаси мақсади шундан иборатки, ўтмишда илдиз отган муаммоларни ечимини топиш ва ХХИ аср ривожланган иқтисодиётига мос иқтисодий тизим яратишдир.

Шуни яна таъкидлаш жоизки, маълум бир конкрет ишлаб чиқариш вазифаларини ҳамда уни амалга ошириш муддатини белгилаш, хўжалик фаолиятни мураккаб бошқариш тизими, омадсизларни аёвсиз иқтисодий йўқ қилиш мақсадли дастур узоқ ва ўрта муддатли режалар ишлатиш билан марказлаштирилган бошқарув мамлакат ютуғи ҳисобланади. Хусусан, Жанубий Корея иқтисодиёти хўжалик юритишни режалаштирилган ва бозор усуллариини гармоник равишда бирлашувини ташкил этади.

Қисқа қилиб айтганда, шуднай механизмни тўғри ишлатиш ва шакллантириш Жанубий Кореяга нисбатан қисқа муддат давомида кам ривожланганлик тўсиқлардан ўтиш ҳамда жаҳон сивилизатсиясида ҳурматга сазовор ўринни эгаллаш имконини берди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ривожланаётган мамлакатлар индустриаллашув жараёнининг умумий йўналишига асосланиб, иқтисодиётни индустриаллаштиришнинг турли ҳил этапларида (девалватсия, банк фоиз ставкаларини ўзгариши, етакчи тармоқ ташкилотларини солиқ имтиёзлари, “таъқиқ” ва “рухсат” рўйхатини киритиш, хорижий инвеститсияларни рағбатлантириш ва бошқалар) мамлакат бошқарув инструментларини ишлатиш иқтисодий ўсиш даврида Корея Республикаси ҳокимияти саноат сиёсатининг асосий таркиби ҳисобланди.

Бошида бу инструментлар мавжуд бўлган ишлаб чиқариш омиллари базасида енгил саноат соҳаларини (текстил ва озиқ-овқат) ривожланишга ишлатилган, сўнг – инвеститсион товарларни импорт ўрнини босишга ва миллий оғир ва кимё саноатини қуришга (қурилиш материаллар ишлаб чиқариш, транспорт машинасозлик, электротехника), охириги йиллар эса – мураккаб рақобатбардош фан талаб соҳани (электрон, фарматсевтика, жихоз қурилиши) яратишга ишлатилган.

Кўп ривожланаётган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Корея Республикаси саноат сиёсати асосий аҳамияти нафақат уни тўғри ишлаб чиқилганлиги, балки уни самарали амалга оширишидир. Бир томондан, бозор шароити иқтисодий жараёнларнинг давлат бошқарув инструментларини жахон хўжалиги амалиётида ишлаб чиқилган эгилувчан ишлатишда асосланган мамлакат саноат сиёсатини босқичма-босқич амалга ошиш механизми туфайли мумкин бўлди. Иқтисодий ривожланишни ҳар бир босқичида ўрнатилган асосий йўналишларига таяниб ҳар бир конкрет инструментни характеристикаси, роли ва аҳамияти ўзгарар эди.

Шундай қилиб, саноат сиёсатининг амалга ошишида фан ва техник ривожлантиришга қаратилган йўналишнинг ўз вақтида қабул қилганлиги муҳим аҳамият касб этди. 80 йилларда саноат сиёсати ҳарактерида кардинал ўзгаришлар бўй берди, унда саноат соҳасини оптималлаштириш, фан-техника инқилоб эришишлигига мослашувчанликни ошириш каби вазифалар қўйилган эди. Юқори сифатли кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш, минтақавий фан изланиш марказлари яратиш, йирик фан дастурларини амалга ошириш, индустриал ривожланган мамлакатлар билан фан техник ҳамкорлик каби асосий вазифалар белгиланди. Шундай қилиб, мамлакатнинг ўсиш темпларини сақлаб қолиш мақсадида, иқтисодий ривожланиш асосий омиллар ҳажми таркибида инноватсия ролини оширишни ҳокимиятдан талаб қилди.

Экспортга йўналтирилган индустриаллашган иқтисодиётни стратегик аҳамиятини таъминлашга йўналтирилган саноат сиёсатини омадли амалга оширилганлиги туфайли Корея Республикаси муваффақиятга эришди. Урушдан кейинг даврда бирор бир ривожланаётган мамлакат эриша олмаган муваффақиятга эришди – иқтисодий ривожланишнинг инноватсион даражасига етди. Рақобат афзалликлар омилларини (50-70 йй) ортида қолдириб, Корея Республикаси 80 йилдан бошлаб инвестицион ҳарактердаги афзалликларни кенг равишда ишлата бошлади. Корея фирмалари замонавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва кенг кўламли ишлаб чиқаришга

маблағларни актив равишда инвеститсия қилишмоқда, халқаро савдо каналларини ўрнатишмоқда ҳамда ўз фабрик маркаларини яратишмоқда, хорижий ташкилотларда ишлаб чиқаришни такомиллаштириб келмоқдалар.

Бироқ охириги йиллар иқтисодий ўсиш темпларни ўзгариб туриши Корея Республикаси учун ҳос. Бу факт мамлакат рақобатчилик параметр афзалликларни анализи ва иқтисодий ривожланиш стратегиясини кейинчалик амалга ошишини ушлаб тураётган қийинчиликларини топишни талаб этди.

Келажакда мустаҳкам иқтисодий ўсиш темпларини таминлайдиган Корея Республикаси иқтисодий ривожланиш стратегиясини ўзгартириш, саноат сиёсати доирасида ўзгартиришлар киритишни талаб этди. Мамлакат иқтисодий ривожланишнинг асосий омиллар ҳажми (капитал, техника-технология, фан изланиш базаси, транс миллий корпоратсиялар ва сантехник ҳамкорлик) инноватсион омил характери ролини ўсишини ҳисобга олган ҳолда, мамлакат сиёсатининг янги йўналишлари қуйидагилар бўлиб белгиланди:

- Саноат тизимини рақобатбардош фан талаб ва юқоритехнологик соҳаларни ҳамда фан-техника ривожланишни рағбатлантириш;
- Иқтисодиётга давлатнинг аралашиш даражасини камайтириш, монополлаштиришнинг салбий хусусиятларини удралай олиш ва кичик ва ўрта бизнесни рақобатбардошлигини ошириш ҳисобидан мамлакат аҳолиси бандлик муаммосини ечиш;

2.2. Корея Республикаси саноатининг замонавий ҳолати ва динамикаси таҳлили

Жанубий Корея Республикасининг сўнгги йиллар ичидаги иқтисодий ўсиши уни асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича нафақат Осиёда балки жаҳонда ҳам энг ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқди. Жанубий Корея бозор иқтисоди йўлини танлаб олган. Ҳозирда мамлакат номинал ЯИМ бўйича дунёда 15-ўринда ва Ҳарид қобилияти бўйича 12-ўринни

кўрсатиб, жаҳоннинг саноати энг ривожланган 20та мамлакат (Г20) каторидан жой олмоқда. Бу юкори даромадли ривожланган мамлакат ўзининг кўзга кўринган саноати билан “Ривожланган мамлакатлар Иқтисодий Ривожланиши ва Ҳамкорлик Ташкилоти” (ОЕСД) га ҳам аъзодир. Шу билан бирга Корея Республикаси 1996-йилда Бутун Жаҳон Савдо Ташкилоти (WTO)га аъзо бўлган, Осиё–Тинч Океани иқтисодий ҳамкорлиги (АТЕС) да фаол иштирок этади. Бу билан бирга Корея Республикаси Осиёда Япониядан кейинги 2-давлат номига ҳам сазовор бўлди. Деярли ресурсларга эга бўлмаган ва худудига нисбатан кўп аҳолига эга бўлган Корея Республикаси катта ички харид бозорини яратиб ва кейинчалик экспортга асосланган сиёсатни олиб борган Корея 2009-йилда дунёнинг 8-катта экспорт қилувчи ва 10-катта импорт қилувчи мамлакатга айланди.

Жанубий Корея жуда ҳам кам ривожланган мамлакатлар қаторида жаҳон молиявий инқирозидан сақланиб қолишга эришди. Буни биз Корея Республикасининг 2010-йилдаги ЯИМ миқдори 6,2% бўлганлиги ва бу инқироз таъсирида 2008-йили 2,3% ва 2009-йил 0.2% бўлиб яна иқтисодиётни жуда тез тикланаётганлигидан далолат беради.³

Саноат тармоғи иқтисодиётнинг энг муҳим ривожланиш мезонларидан бири ҳисобланиб, ҳар бир давлатнинг, жамиятнинг моддий эҳтиёжлари асосида шаклланади. Давлат иқтисодиётида саноатнинг юзага келиши ва ривожланиши, мазкур давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, маърифий, илмий-техник ва технологик асосга эга эканлигини тақазо этади. Саноати ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, маълум ҳудуд иқтисодиётида саноатни шакллантириш ва ривожлантириб бориш, миллий иқтисодиётнинг саноат тармоқлари тараққиёти даражасига мос бўлишини талаб этади. Моддий ва интеллектуал салоҳиятига таяниб давлат ривожланишини стратегик белгилаш ва кейинчалик саноатнинг самарали, интенсив омилларидан фойдаланишга ўтиш қонуний бир ҳолдир.

2.4 Жадвал

³www.economywatch.com

Корея Республикасининг 2006-2010-йиллардаги ЯИМ ва саноат ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

Давр (йил)	ЯИМ (%)	Ишлаб чиқариш
2006	5.2	8.1
2007	5.1	7.2
2008	2.3	2.8
2009	0.3	-1.5
2010	6.2	14.6

Манба: ГИИ 2006-2010

Саноатни ривожлантиришда янги саноат тармоқларини барпо этиш, мавжуд тармоқларни ривожлантириш, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта кўриш билан бир қаторда, ишлаб чиқариш инфратузилмасини барпо этиш, саноат корхоналарини бошқарувчи ва янгича ишлаб чиқаришни таъминловчи интеллектуал асосни яратишни ҳам тақозо этади.

Саноат сиёсати давлат ижтимоий – иқтисодий сиёсатининг ажралмас бир бўлаги ҳисобланиб, XVIII аср охирларида бу масалага ўзгача назар билан қарала бошланди. XX аср охирларига келиб, юқори саноатлашган мамлакатлар сони ўндан ошиб кетди. Маълум бир мамлакат иқтисодиётининг саноатлашиши ялпи ишлаб чиқаришда саноат тармоқларининг юқори ҳиссага эга бўлиши ва ишлаб чиқариш тармоқларида илғор технологияларни қўллаш имк⁴ониятининг кенглиги билан ифодаланади. Саноатни ривожлантириш жараёнининг мураккаблиги шундан иборатки, бу жараён мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимоотида жаҳон бозоридаги кучли рақобат шароитида фаол иштирокини тақозо этади. Жаҳон бозорида сифатли маҳсулотлар турлари ҳам қисқа давр ичида ўзгариб, янгиланиб турибди. Бу эса ҳар бир мамлакат олдиига экспортбоп маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни, жаҳон бозорида янги ва сифатли маҳсулотлар билан жадал кириб бориш масаласини қўймоқда. Мамлакатда сифатли маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқарилиши ўз ўзидан

⁴ Koreya Respublikasi moliya va strategiya vazirligi

шу ҳудуддаги рақобат жараёнлари билан узвий даражада боғлиқдир. Ўз мамлакати рақобат муҳитига бардош бера олган маҳсулотгина жаҳон бозорига кириб боради. Шунинг учун ҳам ҳар бир мамлакат ўз ижтимоий иқтисодий ривожланишини белгилашда саноат ва рақобат сиёсатига алоҳида эътибор қаратади. Бу ўринда саноатни давлат томонидан қўллаб қувватлаш сиёсати алоҳида аҳамиятга эга. Саноатда эркин рақобатни таъминлаш сифатли ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб

чиқарилишининг гарови экан, ушбу рақобат муҳитини шакллантириш ва такомиллаштириш ҳар бир давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас бўлаги сифатида қаралиши лозим.

Саноат- моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик етакчи тармоғидир. Унда меҳнат қуроллари(воситалари), меҳнат буюмлари ва халқ истеъмол товарларининг кўпчилик қисми яратилади: машина, механизмларнинг барча турлари , бин ова иншоотларнинг конструктив элементлари ишлаб чиқарилади, ер ости бойликлари қазиб олинади, минерал, ўсимлик ва ҳайвон хом-ашёсига ишлов берилади, кенг истеъмол моллари тайёрланади ва ҳ.к.лар.

Ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари тараққиётида саноат тармоқларининг роли бекиёсдир. Шу сабабли унинг ривожи ва самарадорлиги қанчалик юқори бўлса давлатнинг мавқеи шунчалик кучли бўлади ва аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланиб боради.

Саноатнинг барча тармоқлари жамиятнинг етакчи кучи бўлган ишчилар синфини ўзида бирлаштиради. Саноат тармоқларининг ривожи билан унда банд бўлган ходимларнинг сони кўпаяди, уларнинг билими ва малакаси ортади, кадрлар салоҳияти юқори даражага кўтарилади. Саноат тармоқларида меҳнатни ижтимоий ташкил қилишнинг энг олий тури, ижтимоий ишлаб чиқаришни уюштиришнинг илғор усуллари- ихтисослаштириш, кооперативлаштириш ва комбинатлаштириш, ишлаб чиқаришни поток тизими ёрдамида узлуксиз ташкил этиш қўлланилади. Йирик машина индустриясигина фан ва техниканинг барча ютуқларини мужассамлаштириб,

меҳнатни техника билан қуроллантириши ва унумдорлигини юқори даражага кўтариши мумкин.

Саноат тармоқлари, айниқса оғир саноат тармоқлари мамлакатда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланади.

Саноат учун юқори техника ва илм-фан тараққиёти ва ишлаб чиқаришнинг ютуқлари билан характерли, электрлаштириш, электронизатсиялаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, компютерлаштириш ва кимёлаштириш соҳасидаги илғор ютуқлардан кенг фойдаланилади. Саноат ва унинг устувор тармоқлари бутун ишлаб чиқаришни глобаллаштириш муаммоларини ҳал этишнинг калитидир. Саноат тармоқлари моддий ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этади. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини қайта қуришга қодир бўлган йирик машиналшган саноат мустақилликнинг асосий пойдвори бўлиши мумкин. Мамлакат аҳолисининг иш билан бандлигини оширишда саноат тармоқларининг роли беқиёс.

Саноат тармоғи – ишлаб чиқариш уюшмалари, комбинатлари ва корхона (фирмалар) йиғиндисидир. Тармоқ ҳосила қилиш учун корхоналар бир неча умумий ҳусусиятларга эга бўлишлари керак:

- Ишлаб чиқариладиган маҳсулот иқтисодий мазмунининг бир хиллиги;
- Ишлатиладиган хомашё ва асосий материалларнинг ўхшашлиги;
- Ишлаб чиқариш техник базаси ва технологик жараёнларининг умумийлиги;
- Маълум касбдаги кадрлар таркибининг умумийлиги;
- Ижтимоий меҳнатни ташкил этиш даражаси ва шаклларининг бири-бирига ўхшашлиги кабилар.

Саноат тармоқларини гуруҳлашда асосий эътибор тайёрланадиган маҳсулотнинг иқтисодий мазмунига қаратилади. Маҳсулотнинг иқтисодий жиҳатдан бир мақсадга жавоб бериши белгисига қараб, саноат икки йирик гуруҳга бўлинади: 1) ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи гуруҳ “А” ва 2) истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи гуруҳ “Б”. Деярли барча

саноат тармоқларида ҳам ишлаб чиқариш воситалари, ҳам истеъмол буюмлари сифатида фойдаланиш мумкин бўлган маҳсулотлар тайёрланади. Шу сабабли режалаштириш ва ҳисоб-китоб юритишда баъзи саноат тармоқлари биринчи ёки иккинчи гуруҳга киритилиши мумкин. Меҳнат воситаларининг меҳнат буюмларига таъсир кўрсатишига қараб саноат казиб олувчи ва ишлов берувчи тармоқларга бўлинади. Саноатнинг бундай икки қисмга бўлиниши ишлаб чиқариш алоқаларини кўрсатишга, материал ва ёкилғи-энергетика ресурсларини ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи тармоқлар ўртасидаги нисбатларни асослаб беришга имкон яратади. Саноат тармоқларини ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг функционал вазифасига кўра ҳам гуруҳлаш мумкин. Бунда алоҳида гуруҳлар, бир қатор тармоқлар, ёкилғи ишлаб чиқарувчи – ёкилғи саноати, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрловчи – озиқ-овқат саноатига бирлашиши мумкин.

Тармоқлар тузилмаси дейилганда, унинг таркиби, тармоқлар ўртасидаги нисбатлар ва ўзаро боғлиқлик тушунилади. Тармоқ тузилмаси саноат тааққиёти даражасини белгилайди ҳамда унда юз берган ва берадиган ўзгаришларни акс эттиради.

Саноат тармоғи тузилмасига биноан қуйидаги жиҳатларни аниқлаш мумкин:

- Ижтимоий меҳнат тақсимооти ва кооператсиянинг даражасини;
- Мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил эканлигини;
- Саноат тармоғининг биринчи ва иккинчи гуруҳи ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқадорлигини;
- Саноат ва бутун халқ хўжалигининг илмий-техник салоҳиятини;
- Мамлакат ва унинг вилоятлари саноати тармоқларининг ривожланиш даражасини;
- Ижтимоий меҳнат унумдорлиги ёки ижтимоий – иқтисодий самарадорлиги даражасини;
- Меҳнаткашларнинг моддий фаравонлиги ва маданий даражаси ўсганлигини.

Саноат тармоқлари тузилмасини тавсифлаш учун айрим тармоқлар ўртасидаги маълум ишлаб чиқариш алоқадорлигини ифодаловчи миқдорий нисбатларни аниқлаб олиш керак. Бу муаммони ҳал этиш учун бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улардан бири тармоқлар ўртасидаги нисабатларни ифодаласа, иккинчиси маълум давр ичидаги тузилмавий ўзгаришларни, учинчиси эса, ишлаб чиқариш алоқаларини ифодалайди.

Саноат тармоқлар тузилмасини ифодаловчи кўрсаткичлар жумласига қуйидагилар киради:

- ✓ Мустақил саноат тармоқларининг сони;
- ✓ Тармоқларнинг саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги салмоғи;
- ✓ Тармоқ ривожининг суръати;
- ✓ Тармоқнинг илгарилаб кетиш коэффитсиенти.

Мустақил саноат тармоқларининг сони мамлакат индустриал тараққиёти, унинг иқтисодий ва илмий-техник салоҳияти, иқтисодий жиҳатдан мустақиллигини ифодалайди.

Тармоқ структураси унинг ялпи маҳсулотининг саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги улуши, ишчилар сони ва асосий фондлер қийматидаги салмоғи кўрсаткичлари билан ўлчанади.

Саноат тармоқлари орасидаги юзага келган муносибликлар ва уларнинг ўзгаришига ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси ҳамда бошқа бир қатор омиллар таъсир этади.

Саноат ишлаб чиқариши тармоқ тузилмасини белгиловчи асосий омилларга қуйидагилар киради:

- Фан ва техника, юқори технологиялар тараққиёти ва унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- Материал ва ёқилғи, энергетика ресурсларини иқтисодий тежашни кучайтириш;
- Ижтимоий меҳнат тақсимоти, ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришнинг даражаси;

- Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари;
- Аҳолининг моддий ва маданий даражаси;
- Ижтимоий тарихий шароитлар;
- Мамлакатнинг табиий ресурслари ва уларни ўзлаштириш даражаси;
- Мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотида тутган ўрни ва бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлиги.

Саноат тармоқ тузилмаси ўзгаришига энг кучли таъсир кўрсатувчи омиллардан бири фан ва юқори техника, технологиялар тараққиётидир. Фан-техника, технологиялар тараққиёти энг аввало, янги меҳнат воситалари ва маҳсулотнинг янги турларини яратиш, мавжуд асбоб-ускуналар ва технология жараёнларини такомиллаштириш, янгиларини жорий этиш билан боғлиқ. Бу эса, мавжуд саноат тармоқларидан янгидан-янги соҳаларнинг ажралиб чиқишига ва шаклланишига туртки беради. Натижада прогрессив ҳисобланган автомобилсозлик, асбобсозлик, радиотехника ва электроника, лазер технологияси тез суръатлар билан ривожланади. Бундай ривож фан-техника тараққиётини белгиловчи тармоқлар- электроника, инноватсион технологиялар, нефт ва газ саноати, машинасозлик, кимё саноати ишлаб чиқаришининг устувор суръатлар билан ўсишида намоён бўлди.

Саноат тармоқларининг фан ва юқори техника, технология тараққиёти билан боғлиқ бўлган устувор ривожланиш тенденцияси 2005-2010 йилларда ҳам кўзга ташланди. Бу давр ривожланиш дастурида саноат ишлаб чиқаришининг тузилмасини такомиллаштириш, ундирувчи ва қайта ишловчи тармоқларнинг ривожига балансликни таъминлаш миллий иқтисодиёт ва фан-техника тараққиётини белгилайдиган рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашни кучайтириш кўзда тутилган. Саноатнинг узоқ истиқболга мўлжалланган ривожини аниқлаш турли иқтисодий мутаносибликларни белгилаш ва уларга эътибор беришини талаб қилади. Бундай мутаносибликлар саноат тармоқлари тузилмасини башоратлашда инобатга олинади.

Саноат тармоқлари тузилмасини режалаштириш ва башоратлаш қуйидаги асосий масалаларни ҳал қилишга қаратилиши керак:

- Бозор иқтисодиёти талаблари, халқ хўжалиги ва аҳолининг айрим маҳсулот турларига бўлган талабини қондиришни ҳисобга олган ҳолда умуман саноат ва унинг ҳар қайси тармоғининг ривожланиш суръатини белгилашни;
- Илғор ишлаб чиқариш тармоқларини аниқлаш, улар тараққиётини тезлаштириш учун зарур бўлган сапитал қўйилмалари ва материалларни биринчи навбатда ажратишни;
- Саноат тармоқлари тузилмасида устувор ўзгаришларни кўзда тутиш лозимки, ҳар қайси бундай ўзгаришлардан ҳам бири ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг юқори самарадорлигини таъминласин;
- Иқтисодиётнинг умумий мутаносиблиги ҳар қайси саноат тармоғи тараққиётининг тенглиги билан боғлашни талаб этади.

Саноат тармоғи таркибининг мамлакат миқёсида қулайлашуви юқори суръатда иқтисодий ривожланишни, аҳолининг турмуш даржасини оширишни ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришни таъминлайди. Чунки бу, ишлаб чиқаришнинг даражаси ва яқуний – пировард маҳсулотнинг кўпайишига, умуман ижобий структуравий силжимларга сабаб бўлади. Демак, таркибий ўзгаришнинг ўзи ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги ўсишининг қўшимча омили бўлиб ҳисобланади.

Саноат тармоқлари тузилмасини такомиллаштиришнинг асосий йўллари қуйидагилардир:

- Ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган тармоқлар орасида мутаносибликни ўрнатиш;
- Ишлаб чиқариш тузилмасининг башорат ва йўналишларини ишлаб чиқиш;
- Тармоқларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини барқарорлаштириш;
- Илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш, илғор технологияларни жорий этиш;

- Шахсий ва ижтимоий истъмолни ўрганиш ҳамда аҳолини юқори сифатли саноат маҳсулотлари билан тўла таъминлаш;
- Тармоқларда хомашё ва ресурслардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириб бориш;
- Иқтисодий раёнлар саноатини зарурий (меҳнат, моддий ва молиявий) ресурслар билан таъминлаш ва улардан оқилона фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш.

Айни вақтда тармоқларнинг ички қурилмасини қайта қуриш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш, чет эл корхоналари билан иқтисодий ҳамкорлик қилиш, чет эл инвеститсиялари ҳамда илғор технологияларини сифатли саноат моллари тайёрлашга йўналтириш вазифаларини ҳал этиш керак бўлади.

Мамлакат иқтисодининг саноат тармоқларида, айниқса илғор техника-технология тармоқларида амалга оширилаётган силжишлар қуйидагиларга эришиш учун имкониятлар яратади:

- Фан ва илғор техника-технология тармоқларини ривожлантириш;
- Хомашёни янада чуқурроқ қайта ишлашга ўтказиш ва тайёр маҳсулотнинг сифати, товар қўринишини ошириш;
- Ушбу тармоқларда рақобатбардошликни ва экспорт салоҳиятини ошириш.

Шунингдек, Корея Республикасида ҳар йили турли соҳаларга жумладан юқори технологик тармоқ ҳисобланадиган электроникага ҳам илмий изланишлар олиб бориш учун катта маблағ ажратилиб, илмий изланиш марказлар сони кўпайтирилмоқда(3-расм).



Хусусан, илмий изланиш марказлари сони 2000-йилда 7,110 та бўлган бўлса, 10 йилдан сўнг 2009-йилга келиб 17,522 тага етди. Бундан 8,327 таси электроника соҳасига тегишли бўлган илмий изланиш марказларидир.⁵

Корея Республикаси ҳукумати 2008-йилдаги молиявий инқирозга олдинда тайёргарлик кўрган. Резерв фонди 2008-йил бошида 240 млрд. долларни ташкил қилган (жаҳонда 6-ўринда). Шундай бўлишига қарамасдан Корея Республикаси молиявий инқироз таъсиридан ҳоли бўлиш учун инқирозга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқди.

2008-йилда “747” иқтисодий дастур Корея Республикасининг етакчи университет, илмий изланиш институтларнинг танилган олимлари томонидан ишлаб чиқилган. Бундан ташқари бу дастурни ишлаб чиқиш учун Иқтисодиётни ривожлантириш вазирлиги ва Корея башоратлаш ва илмий технологиялар институти президенти бошчилигида бир гуруҳ ишчилар тузилди. Унга 360дан зиёд экспертлар: академик олимлар, илмий ходимлар ва саноат соҳасининг мутахассислари жалб қилинди. Бироқ молиявий инқироз сабабли бу 747 иқтисодий дастурига ўзгартиришлар киритилди ва таркибига инқирозга қарши чоралар ва 10йиллик Корея Республикаси иқтисодини

⁵www.koita.co.kr

ривожлантириш New Growth Энгинес Инициативе дастури ҳам киритилди. Уни амалга ошириш учун давлат 5,48млрд.долл.ажратди. Хусусий сектор учун 68,4млрд.ва инқирозга қарши чоралар дастури учун 74,7млрд.долл. инвеститсия ажратилди. Бунда иқтисоднинг хусусий секторида 2008-йилдан 2013-йилгача ишлаб чиқариш ҳажмини 116млрд.долл.дан 253млрд.долл.га ошириш кўзда тутилган.2008-йил бўйича 120,8млрд.долл.ҳажмдаги экспортни 2013-йилга қадар 306,9млрд.долл.га ва 2018-йилгача 795,4млрд.долл.га етказиш режалаштирилди.

Дастурда 2009-йилдан маҳаллий бошқарувларни давлат томонида молиявий маблағлар билан янада кўпроқ қўллаб-қувватлаш масалалари киритилган. Вилоятларда саноат ва инфратузилмаларни ривожлантириш билан боғлиқ 37,7млрд.долларлик 30та лойиҳа 5йилга мўлжалланган. Дастур доирасида ҳукумат 5йил давомида 880мингга яқин иш ўринларини яратишни кўзда тутган.

Халқаро савдо Корея ассоциацияси хабар қилишича, (Корея Интернационал Trade Ассоциатсион – КИТА) 2010 йил якунларида Корея Республикаси Товар айланмаси 29,9 фоизга ошди, 2009 йилга нисбатан 891,6 млрд.долларга ошди. Шу билан бирга ташқи савдо баланси 41,2 млрд.долл. миқдорида ижобий салдони кўрсатди.

Инқирозга қарши New Growth Энгинес Инициативе дастури 22 та энг муҳим лойиҳаларни 6 та гуруҳга жамлайди:

1. Энергетика ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш
2. Транспорт системаси
3. Янги информатсион технологиялар
4. Интегратсия саноатида янги ишланмалар
5. Биоиндустрия
6. Илмий-изланиш ва тажриба конструкторлик ишланмалар


Биринчи гуруҳга : “Тоза кўмирдан фойдаланишни ошириш”, “Океан биоресурсларидан ишланган биоёқилғи” , “қуёш энергияси ва ундан фойдаланиш”, “углеводород, чиқиндилар, сепаратсия ва қайта ишлаш”,

“Алтернатив ёқилғида ишловчи янги авлод электростансиялар яратиш”, “Атом энергетикасини ривожлантириш” каби тармоқлар киради. Бу дастурда энергия тежовчи ва энергияни самарали ишлатувчи технологияларни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратилади; уларга етарлича катта маблағсарфланяпти, чунки айнан бу тармоқ ҳозирда жаҳон бўйича инноватсия саноатининг энг долзарб ва устувор масаласи ҳисобланади. Бундай “тоза” технологияларни ишлаб чиқариш учун ҳозирда ривожланган мамлакатларда давлат инвестициялар ажратмоқда. Бунда давлат харажатлари умумий харажатнинг Японияда- 3%, Буюк Британияда- 7%, АҚШда- 12%, ГФР- 13%, Франция- 21%, Хитойда- 38%, ҳамда Корея Республикасида – 81%ни ташкил қилади.

4-расм

Жаҳон мамлакатлари бўйича инқирозга қарши дастур доирасида “тоза технология” ларни ривожлантиришга ажратган улуши

Mamlakatlar



Манба: www.polpred.ru

Энергетика тармоғи ва биоёқилғи ишлаб чиқаришга дастур 5йил учун мос равишда 22,9млрд. ва 16,5млрд.долл. сарфлашни кўрсатади. Кутилаётган натижалар: йилига 80млн.баррел биоёқилғи ишлаб чиқариш, 150минг иш ўринлари яртиш, 2008-йилдан 2018-йилга қадар нефтмахсулотлари истеъмолини 13,4%дан 43,3%га камайтириш ҳисобланади.

Иккинчи гуруҳга: “Биологик тоза транспортлар (Греен сарс)”, “Кемасозлик ва океан тузилмаси” киради. Унга кўра транспорт тизимини ривожлантириш 2 йўналишда амалга оширилади: 1) автоматлаштирилган

тизимни ва технологиякарни ривожлантириш 2) денгиз кемалари ва қирғок бўйи инфротузилмаси. Бу тармоқга 5йил давомида 1млрд.долл.сарфланади. Шунини айтиш жоизки, кemasозлик ва автомобилсозлик ҳали ҳам мамлакат иқтисодининг энг устувор тармоқлари бўлиб қолмоқда. Корея Республикаси жаҳонда кemasозлик бўйича доим биринчиликка интиланган ва ҳозирда унинг жаҳондаги улуши 40%ни ташкил қилади. Ҳукумат кemasозлик ва денгиз саноатини қўллаш, оғир тонналик флотлар қуришга 2013-йилга қадар 551млн.долларлик маблағ қаратган. Автомобилсозликка эса 500млн.долл маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

Учинчи гуруҳга: “Яримўтказгичлар тизими”, “Янги авлод дисплейлари”, “Янги авлод мобилтелефонлари”, “Янги логистика тизими” йўналишлари киради.

Ахборот тизими ва электроника иқтисоднинг энг асосий ташкил этувчи тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқда янги юқори технологияларни яратишга давлат 5йил учун 21,2млрд.долл.инвеститсия қилишни режалаштирган. Бунда аввал 10,1млрд.долл.ни янги яримўтказгичлар ва хотира чипларини яратишга қаратилган.

Тўртинчи гуруҳга эса “Роботлаштириш”, “Янги материаллар ва нанотехнологиялар”, “Инноватсион технологиялар, янги маҳсулотлар ва жараёнлар”, “Телекоммуникатсия ва радиоёшиттиришни ривожлантириш” кабилар киради. Бу секторга қаратилган инвеститсиялар 25,9млрд.долл.ни ташкил қилади. Янги материалларни ишлаб чиқиш ва йўлга қўйишга 9,5млрд.долл., радиотелекоммуникатсия тизимини ривожлантиришга 14млрд.долл. 5йил давомида сарфланиши режада. Автоматлаштирилган тармоқ (роботлаштириш)ни жорий қилишдан кутилаётган иқтисодий натижа-420млрд.долл бўлиб 2020-йилга қадар мўлжалланган; умуман олганда эса бу тармоқларда янада юқори технологиялар даражасига эришиш кутилмоқда.

Бешинчи гуруҳ тармоғига: “Янги тиббиёт ва тиббий асбоблар” киради. Биотехнологияни ривожлантиришга қаратилган инвеститсия 5йил учун 677млн.долл.атрофида ҳисобланди. Бу режада янги доривор воситалар ва

тиббий асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга ва уларнинг кўп миқдорини экспортга йўналтиришга эътибор қаратилган. 2007-йил Корея Республикасида тиббиёт маҳсулотлари экспорти 1млрд.долл.бўлган бир вақтда, импорти 2,2 млрд.долл. бўлган. Бундан мақсад эса юқори технологик ва юқори сифатли тиббиёт маҳсулотлар ишлаб чиқаришни оширишдир.

Илмий изланиш ишларининг 6-гуруҳига: “Лойиҳалаштириш”, “Юмшок материаллар”, “Тиббий хизмат кўрсатиш”, “Маданият ва мерос”.

Шундай қилиб Корея Республикаси бундай экологик тоза техника ва технологиялар ишлаб чиқариш ва йўлга қўйишга дастур бўйича беш йиллик муддатни белгилади (2009-2013-йиллар), ва бу йўналиш бўйича беш йил давомида 1,56-1,81 млн.киши учун иш ўринлари яратилади. Ушбу дастур 107 млрд.вон (85млрд.долл) маблағ талаб этади, бу эса ЯИМнинг 2%ни ташкил қилади. Бу дастурни амалга ошириш мақсадида давлат юқорида келтирилган тармоқларда фаолият юритувчи: энергетика, қуёш энергетикаси, биоёқилғи ва гибрид двигателли автомобиллар ишлаб чиқарувчи каби компанияларни солиқ ва кредит имтиёзлари билан қўллаб-қувватлайди. Бу мақсадга эришиб Корея Республикаси 2020-йил жаҳон бўйича иқтисодда энергия самарадорлиги ва уни тежаш кўрсаткичига кўра 7-ўринга чиқишни кўзда тутмоқда.

Умуман, Корея Республикасининг юқори иқтисодий салоҳиятини, интилувчанлигини ва юқори инноватсион ривожланиш соҳасида эришаётган ютуқларини ҳамда давлатнинг бу борадаги олиб борган стратегияларини ҳисобга олган ҳолда молиявий инқирозни салбий оқибатларсиз енгиб ўтди.

Халқаро ҳамжамият тафсия қилганидек Корея Республикаси ҳам бошқа ривожланган мамлакатлар каби мамлакат иқтисодини ўсишини таъминлаш мақсадида янги “Яшил технологиялар” стратегиясини ишлаб чиқди.2009-йил Корея Республикаси ҳукумати бу дастурни бошлади.

Бу стратегия ўзида 4 асосий тармоқни мужассамлаштиради.Уларга:

- 1) Энергиятежовчииктисодиётниўрнатишучуненергияниқайтаишлабунданян гитозаенергияяратиш;

- 2) Экологик тоза транспорт тармоқларини яратиш ва яшаш сифатини ошириш ва атроф-муҳитни яхшилаш учун тоза сув;
- 3) Углерод чиқиндиларини камайтириб, сув ресурсларини ҳимоя қилиш;
- 4) Самарали энергия ишлатувчи технологиялар яратиш ва саноат, ахборот технологияларини яратиш киради. Бунинг учун эса энергия тежовчи технологиялар, гибрид двигателда ишловчи автомобиллар, сув ва сунъий сув ҳавзаларини, ҳамда атроф-муҳитни кам ифлослантирувчи техника-технологиялар яратиш режалаштирилган.

Бу дастур доирасида Корея ҳукумати беш йил мобайнида 72,6млрд.долл.инвеститсия қилиши режалаштирилган. Бу соҳадаги инвесторларга ва фаолият кўрсатувчиларга давлат томонидан бир қанча қулайликлар яратилди: солиқ имтиёзлари, корпоратив солиқ ва даромад солиғидан 7 йилга озод қилиниши, компанияларнинг Зйил кўрсатилган солиқнинг 50%и чиқаириб ташланади.

Бу дастурга кўра асосан автомобилсозлик ва энергетика тармоқларида кўплаб ўзгаришларни кўришимиз мумкин. Барча саноат стратегияларида давлат билан бир қаторда йирик молиявий гуруҳлар етакчи тармоқларни ривожлантиришда фаол иштирок этмоқдалар.Улар орасида Яшил технологиялар дастури бўйича Хюндаи компанияси 2010-йилда водород ёқилғисида ҳаракатланувчи “Туссон” автомобилни сотувга чиқаришни айтган.Бу янги автомобилни АҚШда 2009-йил тажриба қилинди.Бу автомобил Япониянинг Хондо автомобиллари билан рақобатбардош бўлиб, у 0 градус С да ҳаракатлана олади.Жаҳон бўйлаб бундай экологик тоза автомобиллар 2010-2012 йиллардан кенг ишлаб чиқарила бошлади. Корея Республикасида ҳам Хюндаи ва Киа компаниялари бундай гибрид автомобиллар ишлаб чиқаришни бошлашган, биринчи автомобил 2001-йил Хюндаи компанияси томонидан яратилиб, у 1 литр ёқилғида 18,8 км йўлни босиб ўта олади. 2010-йилда эса компания бутун ишлаб чиқариш хажмидан 3-4%игина ёқилғида ҳаракатланувчи автомобил бўлиши ҳабар берилган.

Шу билан бирга бу дастурда энергия кўп талаб қилувчи тармоқлар яъни нефткимё, кимё, цемент, электротехник, тўқимачилик, автомобилсозлик ва кemasозлик кабилар янги тоза технологиялар воситасида 2008-2012-йиллар углеводород ёқилғисини 1,9млн.т (7,5% нефт истеъмолига тенг) тежабқолишлари мумкин бўлади. Бу саноат тармоқларига 2008-2012йилга кадар 1,75 млрд.евро инвеститсия қилинган; 2012-йилда эса давлат томонидан бу тармоқларга янги энергия тежовчи тоза технологияларни жорий қилиш учун 8,4млрд.вон (5,27млрд.евро) маблағ сарфланган.

Глобал саноат рақобатбардошлиги рўйхатида Корея Республикаси 2013 йил 6 ўринни эгаллади.2011 йил эса 3 ўринни эгаллар эди.Бу рўйхатда Хитой етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.Индия 2-чи, Бразилия 3-ўринда.АҚШ-5 ўринда, Япония эса 12чи.Бу индекс келаси 5 йилда 38 та мамлакатни саноат рақобатбардошлигини аниқлайди. 2012 йил Корея Республикаси саноат ишлаб чиқариш ўсиши 1,2%ни ташкил қилди, 2011йил эса 3,9%ни ташкил қилган.

Жанубийкорейс кemasозлик буюртмалар ҳажми 2012 йил 58,6% га тушган бўлсада, 2011йилга нисбатан Корея Республикаси бу соҳада жаҳондаги лидерлигини сақлаб келмоқда. 2012 йил январ –ноябр ойлари даврида кemasозлик компаниясига 36,3% жаҳон буюртмалар ҳажми тўғри келган. Хитой-2-ўринда34,7%, Япония03 ўринда 11,6%.

2012 йил Хюндаи Киа Аутомotive Гроуп Европа мамлакатларида 60 мингдан зиёд автомобиллар сотган. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2%га ошган. Автомобил ишлаб чиқарадиган Европа ассотсиятсиясига кўра, Хюндаи Мотор 32830 автомобил сотган, бу эса Европа автомобил бозорини 3,4%ини ташкил қилган. Киа Моторс 27171авто сотган, Европа мамлакатларидаги савдодан 2,8%ни ташкил этди. 2012 йил январ-ноябр мобайнида Хюндаи & Киа умумий авто савдо ҳажми 710925 авто ташкил қилди, бу эса 11,9% га 2011 йилга нисбатан кўпроқ. Хюндаи Киа Аутомotive Гроупдан фарқли ўлароқ, Европадаги бошқа автомобил ишлаб чиқарувчилар,

Жагуар&Ландровердан ташқари савдо ҳажми пасайганлиги ҳақида эълон қилишади.

Металлургия саноатида экспорт ҳажми 2012 йил 2011 йил декабр билан солиштирганда 7,5% га ошган. Зангламайдиган пўлатдан маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича Корея Республикаси жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

III-БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Корея Республикаси саноати ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларини такомиллаштириш йўллари

Глобализация таъсирида саноатни ривожлантириш стратегияси илм-фан, инноватсион технологияларни, илмий изланиш ва тажриба конструкторлик ишланмаларини ривожлантиришга ҳамда жорий қилишга йўналтирилмоқда.

Бунинг яққол мисолини Корея Республикасининг ҳозирда олиб бораётган замонавий саноат стратегиясида эришаётган ютуқларида ва юқори кўрсаткичларида кўришимиз мумкин. Бунда мамлакат иқтисодининг ўсишига ва ишлаб чиқариш ривожига янгича ёндашув бўлган. Бу Корея Республикаси тарихида биринчи маҳаллий даражадаги дастур бўлиб унда илмий-изланиш институтлари, олий ўқув юртлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва жамоа фаол иштирок этади. Марказий ва маҳаллий бошқарув органлари билан яқин ҳамкорликда ишлашга асосланади.

Корея Республикасининг янги саноат стратегияси аввалгилардан экспортга йўналган меҳнат талаб қилувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга қаратилган. Шу билан бирга саноат комплексларининг ҳудудий тенгсизлиги яъни ишлаб чиқариш кучларининг асосан Сеулда жойлашганлигини қисқартиришга қаратилган. Шу сабабдан Санаот марказлари ва бошқа ҳудудларнинг ривожланганлик даражасида жаҳон бозори даражасидан сезиларли фарқ келиб чиқади. Бугунги кунда Кореянинг 30%га яқин ҳудудий бошқармаси қолоқ деб эътироф этилди. Пойтахтга ЯИМнинг 47,7%и тўғри келади, ТМК ва йирик компаниялар бош оффисларининг 90%и ҳамда давлат бошқарув органларининг 84%и пойтахтда жойлашган.

Корея Республикаси саноат сиёсати истиқболли режаси

И босқич (2004-2008 йиллар)
Мақсад – миллий иқтисодиётда инноватсияни яратиш ва кенгайтириш
Вазифалар: - Худудлардаги инноватсион тизимларни шакллантириш; - Инноватсион кластерлар ривожланишини ҳамкорлиги; - Худудлардаги бошқарув муассасаларини кўчирилиши; - Инноватсия шаҳарларини қурилиши;
↓
ИИ босқич (2009-2013 йиллар)
Мақсад – миллий иқтисодиётдаги инноватсиянинг аҳамиятини ва ролини мустаҳкамлаш
Вазифалар: - Иқтисодий билимларни ҳаракатга келтирувчи саноат тармоқларининг янги авлодини қўллаб-қувватлаш; - Миллий кластерлар даражасини халқаро даражага кўтариш; - Мамлакат пойтахтидаги янги бошқарув қурилишини яқунлаш;
↓
ИИИ босқич (2014-2018 йиллар)
Мақсад – илғор технологияларни ривожлантириш
Вазифалар: - Худудий инноватсион тизимларни мустаҳкамлаш; - Ресурсларни жалб қилиш ҳажмига кўра миллий йирик кластер рақобатбардошликни ошириш ва унинг натижаларини коммертсализатсия қилиш мавжуд илмий изланиш ва конструкторлик ишланмалари даражасини келтириб чиқаради; - Янги технологиялар асосида миллий иқтисодиёт ўсиш салоҳиятини очиш ва бутун масштабда ишлатиш;

Манба: <http://www.balance.ro.kp>

Корея Республикасида 2005-йил фан ва инноватсион технологияни ривожлантириш бешйиллик режаси қабул қилинди. Бу режа каттта еттилик давлатларида илмий изланиш ва юқори технологиялар ривожланиш

даражасига етиш мақсадида қабул қилинди. Режанинг асосий йўналишларига:

- Давлат илмий изланиш ва тажриба конструкторлик ишланмаларига бюджетнинг 5%ини йўналтиради;
- Фундаментал изланишларга давлат бюджетдан 20%ини ажратади;
- Илмий изланиш ва тажриба конструкторлик соҳасида ишловчи юқори даражали ва малакали кадрлар тайёрлаш.

Узоқ муддатли фан ва техникани ривожлантириш 2025-йилгача Корея Республикаси ҳукумати “2025-йилгача узоқ муддатли фан ва техникани ривожлантириш” деб номланган узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқарди. Бу стратегия 3босқичдан иборат бўлиб ҳар бир босқичи турли йўналишда олиб борилади:

- Биринчи босқич (2005-йил) – фан ва юқори техника, технология даражаси энг ривожланган 12та мамлакатлар даражасига етиш;
- Иккинчи босқич (2015-йил) – илмий изланиш ва тажриба конструкторлик ишланмалари бўйича фаол дастурлар олиб бориш ва энг ривожланган 10талик мамлакатларга кириш;
- Учинчи босқич (2025-йил) – фан ва юқори техника, технология соҳасида Катта еттилик мамлакатларига кириш.

Бу эса қуйидаги хусусиятларни ўз ичига олади:

- Ҳукумат бошқарувида ва хусусий секторларда инноватсион тизимга ўтиш;
- Илмий изланиш ва қайта ишлаш соҳасига қилинадиган инвестициялар ҳажмини ошириш;
- Ахборот технологиялари ва биотехнология тармоқларини ривожлантириш.
- Ўсиш суръати, даромад келтириши ва улушига кўра танланган устувор тармоқлар асосида 2020-йилдаги миллий саноат тармоқлари ва

Корея Республикасида янги инноватсион саноатга йўналган иқтисодни яратувчи етакчи тармоқлар аниқланди (2 - жадвал).

3.2жадвал

Корея Республикаси миллий иқтисодиётининг 2020-йилга истиқболли тармоқлари

Саноат тури	Асосий маҳсулотлар
Янги авлод яримўтказгичларини ишлаб чиқариш	Янги авлод ҳотира платаси, анъанавий яримўтказгичлар
Биологик сунъий аъзолар ишлаб чиқариш	Инноватсион биомедикамент ва биоорганлар
Алоқа тармоқлари	Дитсиметрли частотани кучайтиргич, маълумотларни узатиш ва қайта ишлаш бирлаштирувчи восита, уй ИКТ тармоқлари, янги авлод уяли телефонлари
Янги авлод кўргазмали технологиялари	Рақамли, ЛСД ва ОЛЕД телевизорлари, голографик навигаторлар
Янги авлод компютерларини ишлаб чиқариш	Ихчам компютерлар, “интеллектуал” компютерлар
Транспорт воситаларини янги авлодини ишлаб чиқариш	Интеллектуал транспорт воситалари, ёқилғи элементли автотранспорт, экомашиналар
Маданият ва дам олиш	Маданият ва кўнгилочар маҳсулотлар, электрон ва автоматлаштирилган ўйинлар
Тиббий ҳизмат	Тузалиши қийин бўлган касалликларни профилактика қилиш бўйича ҳизматлар, қарилик касалликлари ва қарияларга тиббий ёрдам бериш
Энергия манбаларини янги авлодни ишлаб чиқариш	Иккиламчи батареялар, қуёш батареялари, водород энергияси
Мехатроника (робот иш. ч.)	Саноат роботлари ва хизмат соҳаси учун роботлар
Юқори технологияли кимёвий воситаларни иш. ч.	“Ақлли” полимерлар, электрон маълумотлар соҳаси учун рафинирланган кимёвий воситалар, экологик тоза кимёвий материаллар, нанотекстил
Инноватсион ҳаво йўли ва сув йўли орқали жўнатиш	Юқори қўшилган нархдаги сув йўли жўнатмалари, янги авлод аерокосмик маҳсулотлари
Юқори жиҳозлар учун деталлар ишлаб чиқариш	Ультрамикروприборлар, юқори технологияли датчиклар, иссиқлик датчиклари, биологик қўшма микросхемалар
Юқори технологияли машинасозлик	Қайта ишловчи интеллектуал мослашувчан тизимлар, кўп функцияли экологик саноат мосламалари, фойдали иш коеффитсенти юқори бўлган энергия генераторлари

Қўшимча: савдо ҳажми ўсиш истиқболлари маҳсулотлари шрифт билан белгиланган, курсив ва ажратиш белиги билан еса, нисбатан паст рентабелликка қарамасдан, давлат

манфаатлариг амултипликатив таъсирни амалга ошириш учун муҳим стратегик аҳамиятга ега маҳсулотлар қайд етилган.

Манба: Б.Ж. Сонг; Д.Лим. Кореан Индустрий Висион 2020анд мегатрендс// КИЕТ Индустриал Эсономис Ревиев. Но. 1.2012.П.10

Корея Республикаси ҳукумати таъкидлашича, 2014-йил савдо ҳажми жаҳон иқтисодий қийинчиликларига қарамасдан, 1трлн.АҚШ долл.дан юқори даражада бўлиши кутилмоқда. Корея Республикаси – жаҳонда 7-экспорт қилувчи мамлакат бўлиб, 2014-йил 560млрд.АҚШ долл. ҳажми миқдорида даромад тушиши кутилган, бу эса 2013- йилга нисбатан 2,6% га юқори. Қуйида 10 та йирик экспорт қилувчи мамлакатлар кўрсатилган: (2013 йил)

3.3 жадвал

№	Мамлакатлар	Экспорт ҳажми млн.долл (АҚШ)
1	Хитой	1 614862
2	АҚШ	1 169566
3	Германия	1 077542
4	Япония	534 171
5	Нидерланд	489 549
6	Франтсия	427 902
7	Корея Республикаси	413 292
8	Буюк Британия	409 237
9	Гонконг	409 237
10	Россия	382 783

Манба: Корея халқаро савдо ассотсиятсияси (КИТА)

Халқаро савдо КИТА бўйича 67нституте хусусияти ва анализ қиладиган бўлим бошлиғи Шин Синг Гван (Шин Сеунг Гван) таъкидлашича, Корея Республикасининг экспорт кўрсаткичлари ҳажмда ҳам, нарх бирлигида ҳам ўсиш кўрсаткичларини ўзида жамлаган ИТ бўлимга кўрсатилган. ИТ бўлимга қўшимча қилиб жаҳон бозорида рақобатбардош электротехника ва мобил телефонлар, ҳамда ёнғин ва қўриқлаш

сигнализатсия эжелтрон мосламаларни айтиб ўтиш мумкинлигини қўшимча қилди.

3.4жадвал

Саноат соҳалари бўйича экспорт ҳажми истикболлари.(2014)

Саноат соҳалари	Экспорт ҳажми (млрд.АҚШ долл)
Яримўтказгичлар	60,8
Нефт кимё	53,4
Машинасозлик	51,2
Автомобилсаноат	51,0
Кемасозлик	41,0
Дисплей	36,0
Пўлат	33,0
Ўтказгичсиз мосламалар	30,0

Манба: КИТА

Фан ва келажакни режалаштириш Вазирлиги докладига кўра, 2012 йили Корея Республикаси ҳукумати, фан изланиш институтлари, университет ва корпоратсиялар фан изланиш ва ривожлантиришга 55,45 трлн.вон (52,7 млрд.долл.)миқдорида маблағ ажратилди, бу еса 2011 йилга нисбатан 5,56 трлн.вонга кўпроқ миқдорни ташкил етди. Докладда айтилишича, мамлакатда изланувчилар сони 2012 йилга келиб 401,724кишини ташкил ди, бу еса 2011йилга нисбатан 7,1% га юқори кишини ташкил етди.

Корея Республикаси ҳукумати маҳаллий аҳолини бандлигини ошириш ва жаҳон капиталини жалб қилиш мақсадида 5 та янги хорижий инвеститсион ҳудудлар яратмоқда. Шулар қаторига Корея Республикаси савдо, саноат, энергетика вазирлиги янги 5 та локал майдончалар, шунингдек, Мунмак, ЕсуваКунсан, қўшилишини айтиб ўтди. Вазирлик томонидан таъкидлашича, “Агарда хорижий инвеститсион ҳудуд режалаштирилгандек ишласа, умумий ҳажми 1,17трлн.вон (1,1 млрд.долл)

инвеститсия олиб келиши ҳамда 1159 янги иш ўринлари яратилиши кутилмоқда”.

Шулардан биринчи ҳудуднинг ўзи кейинги 5 йиличида 68 млн.долл.ни жалб қилиши ва 580 та иш ўринни яратилиши кутилмоқда. Ундан ташқари, Лотте Чемисал қўшма корхонаси ҳамда чақич ишлаб чиқарувчи Италия корхонаси Версалис 2017 йилга келиб 515 млн.долл.инвеститсия жалб қилиб, мамлакатнинг саноат шаҳарчаси Ёсуда нефт кимё ишлаб чиқаришни бошлаш режалаштирилган. Қолган 3 та инвеститсион ҳудуд Торай Индустриес ва Нитто Денко япон компанияларини ҳамда Аир Продустс & Чемисал АҚШ компанияларини жалб қилиш режалаштирилган.

2020 йилга келиб Корея Республикаси жаҳонда 5-чи йирик савдо қилувчи мамлакатга айланиши учун, мамлакат ҳукумати ҳозирдан бошқа мамлакатлар билан эркин савдо алоқаларини кенгайтириб ҳамда экспорт салоҳиятини ошириб келмоқда, шунингдек янги экспорт соҳаларини яратишни рағбатлантириш мамлакатнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Корея Республикаси савдо айланмаси 3 йилдан бери 1 трлн.долл.дан юқори маблағни кўрсатиб, жорий йилда савдо балансининг ижобий салдоси тарихий максимум даражасига етиши кутилмоқда. Ҳозирги пайтда, Корея Республикаси жаҳонда савдо бўйича 8-ўринда туради. Корея Республикаси юқори қўшимча нарх билан хизмат, маданият ва бошқа соҳалар доирасида янги экспорт соҳаларини ривожлантириш режалаштирилган. Шунингдек мамлакат транзит савдода муваффақиятга эришиш мумкин. Кореяда 3,2 млн.дан ортиқ саноат корхоналари мавжуд, шулардан 2,7 % и экспортда иштирок этади. Ундан ташқари, бу компаниялар экспорти Корея Республикаси умумий экспорт ҳажмидан 3/1 қисмини ташкил этади. Келажакда эса савдо соҳасида ана шундай кичик, лекин кучли компаниялардан муваффақият кутиш керак.

Корея Республикаси Осиё Тинч Океани минтақаси мамлакатлари ўртасидаги савдо тўсиқларини камайтиришга йўналтирилган савдо келишувга –Транс Тинч Океани ҳамкорлигига қўшилишга яқинда илк қадамларини

кўйди. Бу келишув иштирокчилари таъкидлашича, Транс Тинч Океани мамлакатлари экспортга йўналтирилган сиёсати ОТО бозорини янада кенг камраб олади, шу билан бир вақтнинг ўзида оппонентларнинг гапига кўра, бу келишув қишлоқ хўжалиги ва автомобилсаноатларини ҳаосга олиб келади.

Корея Республикаси ҳокимияти 2 та қарама –қарши статистикани эълон қилди: унга кўра, мамлакат рекорд даражада экспорт қиляпти, бироқ 49% корейслар ўзларини камбағал деб билади. Бу эса Корея иқтисодиётининг бугунги реал ҳолатини кўрсатмоқда. Бу йил Корея Республикаси савдода кўп рекордларга эришди, бироқ бу иқтисодий ютуқлар иқтисодиётнинг бошқа қисмига тегишли эмас. 3 йил мобайнида экспорт ва импорт 1 трлн.дан юқори миқдорни кўрсатди. Ундан ташқари, савдо балансининг ижобий салдоси, экспорт ва импорт ўртасидаги фарқ, 43 млрд.долл.дан юқори миқдорни ташкил этди. Корейслар бу рақамларни “3 томонлама тож” деб аташади. Ундан ташқари, Корея Хитойга йирик экспорт қилувчи мамлакат сифатида Японияни ортда қолдирмоқчи. Корея савдо айланмасини икки қарра кўпайтириб 2 трлн.долл.миқдorigа етказиш натижасида 2020 йили жаҳонда савдо бўйича 5-ўринга чиқмоқчи. Бу рақамлар мамлакат иқтисодиёти ғурури бўлса ҳам, иқтисодиётни бошқа соҳалари учун улар ҳеч нарса ўзгартирмайди. Савдо ўсиши, иш ўринларини, ойлик маошни ва иқтисодий ўсишни ошишига олиб келмади. Экспортда йирик компаниялар рўли ошди. Корея федератсияси кичик ва ўрта бизнесга қараганда йирик корхоналар 2006 йил экспортнинг 68,1%ни, 2012 йил 81,3%ни ташкил этди. Савдони рекорд даражага етишига қарамасдан, иш ўринлари камайди. Йирик корхоналарда 2011 йил ишлаб чиқаришда 23,3% иш ўринлари яратилди, 2006 йилга нисбатан 24,2% иш ўринлари бўлган. Сабаби шундаки, Самсунг ва Хюндаи каби йирик корхоналар иш ўринларни ўз уйларида эмас, балки кўпроқ хорижда яратишади, бир вақтнинг ўзида экспорт ошиб боради. Мисол учун, Хюндаи Мотор йилига 10млн.автомобил экспорт қилсада, автомобиллари ярмисини хорижда ишлаб чиқаради. Самсунг Электронисс компанияси, Кореяда йирик экспорт қилувчи компания бўлиб,

смартфонларнинг ката қисмини жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ишлаб чиқаради. Аҳоли жон бошига даромадга қарамасдан, 46,7 % корейслар ўзларини бир неча сабабларга кўра камбағал деб ўйлайди. 2008 йил реал даромад пасайган, лекин солиқ ўсиб бorgan. Корейс oilалар 1 трлн.долл миқдорида қарз йиғиб кўйишган, бу эса мамлакат ЯИМисига тенг. Корея Республикасида актив иммигрантсион сиёсат қабул қилиб, ишлаб чиқариш иш ўринлари учун ишчиларни импорт қилиши керак. Корейслар эса бунни хоҳлашмайди. Франция, мисол учун 1990 йил иқтисодийетини хорижий ишчилар орқали кўтарган. Актив иммигрантсион сиёсат тез қариб бораётган Корея аҳолисига қарши таъсир кўрсатади.

Корея иқтисодий изланишлар институти (Корея Экономис Ресearч Институте, КЕРИ) 2014 йил Корея Республикаси иқтисодий ўсиш 3,6% га етиши кутилмоқда. 2013 йил бу кўрсаткич 2,9% га етган.

2013 йил ИИ ярмида хорижий инвесторлар 12 млрд.долл.миқдорида жанубийкорейс аксияларини сотиб олишди. Аксияларнинг асосий қисми электроника ишлаб чиқарувчи компанияларга Самсунг Электронисс ва СКХйних га тўғри келган. Электроника билан бирга логистика жиҳозлари ва кимё маҳсулотлари 75% янги инвеститсияларни жалб қилган.

Кванянг эркин иқтисодий ҳудуди Корея Республикасида етакчи иқтисодий ҳудудлардан бири бўлиб, Шимолий Шарқий Осиёда саноат ва логистика марказига айланиши кўзда тутилмоқда. Кванянг эркин иқтисодий ҳудуди Европа, Осиё, ва Шимолий Американи бирлаштирадиган денгиз йўлида жойлашган бўлиб, Шимолий Шарқий Осиёда энг катта логистика хизматлар ҳудуди бўлиш потенциали бор. 10 йилда ҳудуд 12,71 млрд.долл. инвеститсия жалб қилиб, АҚШ, Хитой, Япония, Франция, Нидерланд ва бошқа мамлакатлардан 146 та корхона ташкил қилиниб, 30 минг иш ўринларини яратди. 2020 йилга келиб 25 млрд.долл инвеститсия ҳажми билан 500 та компанияни жалб қилиш режалаштирилган. 2012 йил Кванянг эркин иқтисодий ҳудудда фаолият юритаётган 156 компания 47 млрд.долл миқдорида маҳсулот экспорт қилинган, 2011 йилга нисбатан 10% га кўпроқ.

2012 йил Корея Республикасининг 4 та йирик конгломератлари Самсунг, Хюндаи Мотор, СК ва ЛГ, 30 та етакчи компанияларининг умумий даромадидан 80%ини ташкил қилишган. Бошқа йирик компаниялар тоза даромад ҳажми 5% га тушди.

ЛГ Электронисс катта миқдорда смартфонлар ишлаб чиқаришни режалаштириш билан бирга келаси йилга келиб бозордан Хитойда ишлаб чиқарилган Хуауеи ни секин аста четлаштиришни режалаштирган.

14та нефт кимё ташишларни таъминлаш учун жанубийкорейс кемасозлик компанияси ХюндаиМипоДоскьярд Со Британия компанияси БП шиппинг билан келишувидан 6027 0000 0000 вон (572600 000\$) олишини эълон қилди.Кемалар 2017 йил июл ойида тайёр бўлиши режалаштирилган.

Хюндаи Хеавй Индустриес жаҳонда йирик кема курувчи компания Кувайтда электростансия куриш учун 970млн.долл.га буюртма олди. Кувайт ҳукумати билан келишубга асосан, Хюндаи Хеавй 1500МВт қувватли генераторга эга электростансия куради.2016 йил ИИ ярмида тайёр бўлиш режалаштирилган.

Daewoo Шипбуилдинг& Марине Энгинееринг Со корейс кема курувчи компания Америка кема компаниясидан 5 та танкер куришга 500 млн.долл.лик буюртма олди.Шартнома асосида, Daewoo Шипбуилдинг 2016 йил И ярмига танкерларни етказди.

2015 йил кутилаётган кучли рақобатга қарамасдан Самсунг технологик гигант рекорд даражада катта даромад кутмоқда.Самсунг Электронисс компанияси кейинг йилга глобал стратегия учун конференцияларни ишга қўйиб, у ерда 100лаб мамлакат бошқарувчилари фирманинг жаҳон бопзоридаги етакчилигини ушлаб қолиш имкониятларини муҳокама қилишади. Самсунг учун кўп муаммолар пайдо бўлиши кутилмоқда, айниқса, смарт-мосламалар ва яримўтказгичли чиплар бозорида. Даромадни сақлаб қолиш каби муҳим саволлардан бири конференсияда муҳокама қилинади.

Йирик жанубийкорейс автомобил ишлаб чиқарувчи Хюндаи Киа Моторс 2013 йил 11 ойда 7 млн.дан зиёд автомобилларни экспорт қилди, бу

эса кутилаётган натижадан 8% кўпроқ миқдорни ташкил этди. Шу билан бирга, ички бозорда компания улуши 76%гача тушди, савдо эса 3% га. Сифатли янги моделларнинг йўқлиги, АҚШ ва ЎИ билан эркин савдо ҳақида тузилган келишувга қарши завод ишчилари эътирози ҳамда вона курсининг пастлиги бунга сабаб бўлди.

3.2. Корея Республикасининг Ўзбекистон билан саноат соҳасидаги ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш

Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Жанубий Корея юқори инноватсион технологиялар, ахборот-коммуникатсия технологиялари, машинасозлик, автомобилсозлик, тўқимачилик, логистика, кимё саноати, қурилиш ва қатор бошқа соҳаларда кенг қўламли қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Корея қўшма қўмитаси мунтазам йиғилишлар ўтказиб, алоқаларнинг янги қирраларини очиш, мазмунини бойитиш, савдо ва сармоя ҳажмини ошириш масалаларини кўриб чиқади. Энергетика ва табиий ресурслар бўйича идоралараро қўмита тузилган.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан биридир. Унинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси 2 миллиард АҚШ долларида ошди. Айниқса, нефт-газ, кончилик, нефт кимёси, логистика, қурилиш соҳаларида йирик лойиҳалар бор. Навоий шаҳридаги халқаро аэропорт негизида барпо этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона бунга ёрқин мисолдир. Ушбу зонадаги қитъалараро интермодал логистика маркази МДХда ягона бўлиб, у ерда юклар тезкорлик билан туширилади ва ортилади, тақсимланади, махсус омборларга жойлаштирилади. Осиёдан Европага ва Европадан Осиёга жўнатиладиган юклар глобал юк ташиш тармоғининг муҳим бўғинига айланидиган ана шу марказдан ўтади.

Таъкидлаш жоизки, хорижда мазкур эркин индустриал-иқтисодий зонага кизиқиш кучайиб бормоқда. 2009 йил март ойида Сеулда Ўзбекистонда сармоявий ҳамкорлик соҳасидаги янги имкониятларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Кореялик ишбилармонлар эркин индустриал-иқтисодий зонадаги қулайлик ва имтиёзлар билан атрофлича таништирилди. Натижада умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларида ошадиган 35 сармоявий лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Бу шундан далолат берадики, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантириш икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидандир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон айнан Жанубий Корея билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришнинг мураккаб, энг илғор технологиялар талаб қиладиган, тайёр маҳсулоти юксак даражадаги қўшимча қийматга эга турини ўзлаштириб, дунёдаги санокли автомобилсоз давлатлар қаторидан ўрин олди.

“Корея газ корпоратсияси” (“КОГАЗ”) билан ҳамкорлик нафақат газ конларида геология-разведка ишларини олиб бориш ва конларни ўзлаштириш, балки йилига 445 минг тонна полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқаришни ҳам қамраб олган. Яъни, газ хомашёсини қайта ишлаб, юқори қўшимча қийматли маҳсулот чиқарилади. Бу лойиҳа доирасида 3,12 миллиард АҚШ доллари миқдорида Жанубий Корея сармоясини жалб қилиш режалаштирилмоқда.

Савдо алоқалари борасида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида 1992 йилдан энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинганини таъкидлаш жоиз. 2008 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми бир миллиард доллардан ошди. 2009 йилда эса бу кўрсаткич 1,2 миллиард долларни ташкил этди. Юртимизда 351 Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу мамлакатнинг 91 фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

Корея Республикаси ва Ўзбекистон ўртасида Экспорт ва Импорт ҳажми

yillar	eksport	Import	Ja`mi
2005	51.5	513	564.5
2006	44.8	568.1	612.9
2007	69.8	514.4	583.9
2008	91.5	965.1	1,056.6
2009	102,6	1,125	1,228

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ҳукуматлари ўртасида 2008 йил 12 майда имзоланган 2008-2011 йилларда Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармасининг (ЭДСФ) имтиёзли кредитларларини тақдим этиш тўғрисидаги ҳадли битимга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги битим, муқобил энергия манбалари ва энергия тежаш технологияларини ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим, Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуини куриш ва конни ўзлаштириш лойиҳасини амалга ошириш бўйича сармоявий битим имзоланди.

Навоий вилоят Эркин индустриал – иқтисодий зона-бу мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларини, биринчи галда, тўғридан- тўғри инвестицияларини фаол жалб этишнинг муҳим омилидир.

Навоий республикамызда саноат соҳасида улкан салоҳиятга эга вилоят. Бепоев Қизилқум кенгликларида жойлашган ва буюк шоир ҳамда мутафаккир бобокалонимиз номи билан аталадиган бу ҳудудда 20 тадан зиёд йирик саноат корхоналари фаолият юритаётгани, шу жумладан, биргина Навоий кон металлургия комбинатида бугунги кунда юртимизда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли олтиннинг 80 фоизи, уран концентрати ва

фосфор ўғитлари учун зарур хом ашёнинг ҳаммаси тайёрланаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йил 2 декабрда қабул қилинган “Навоий вилоятида эркин индустриал – иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги фармони вилоят, хусусан, Навоий шаҳрининг ишлаб чиқариш салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, юқори технологияларини жорий этиш, хориж инвестицияларини жалб қилиш борасида янги имкониятларни очиб бермоқда, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз. Нега деганда, ушбу ҳужжатда жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан – тўғри инвестицияларни жалиб этиш бўйича қулай шарт шароитлар яратиш, шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт–транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадлари кўзда тутилган.

Аввало шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг “Еркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонунида бу ҳақида шундай таъриф берилган : “...Еркин ишлаб чиқариш зоналари мақсадли ижтимоий-иқтисодий дастур бўлиб, янги ишлаб чиқариш муносабатлари асосида алоҳида олинган ҳудуд тадбиркорликни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш, истиқболли технологияларни эркин рақобат, маъмурий-иқтисодий мустақиллик ва ўзини ўзи маблағ билан тامينлаш тамойиллари асосида жорий этилишидир. Бу мақсад учун ўша ҳудудда жойлашган корхоналарни ижарага олиш, кооператив, қўшма ва чет эл корхоналарини қуриш ва уларни эксплуатация қилиш эвазига эришилади”.

Гап шундаки, эркин индустриал–иқтисодий зонада ишлаб чиқарувчилар шерикларини мустақил танлаш, маҳсулотларнинг тури, ҳажми ва

нархларини кучли рақобат, бозорининг талаб таклифлари асосида белгилаш, ишчи–хизматчилар, муҳандис–техник ходимларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш масалаларини ўз ҳоҳишича ҳал этиш уларга иш ҳаққини миллий ва чет эл валютасида бериш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, бундай зонада ишлаб чиқариш муносабатларига мос равишда молия ва ҳисоб институтлари тизими ташкил этилади. Бу тизим таркибига миллий ва хорижий валюталар бўйича оператсиялар олиб боровчи давлат ва тижорат банклари, тижорат-хўжалик судлари, валюта ва фонд биржалари киради.

Шулардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Ўзбекистонда эркин индустриал иқтисодий зонани ташкил этиш учун айнан Навоий вилояти бежиз танланмаган. Сабаби, бу эрда мавжуд саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг 50 дан зиёд давлатларга экспорт қилинмоқда. Қолаверса, кейинги йилларда Қизилқум минтақасида нодир қимматбаҳо металллар, фосфорит ҳам ашёсининг янги конлари ўзлаштирилаётганлиги, янги замонавий корхоналар қурилиб, ишга туширилаётгани бу воҳанинг улкан миқёсидаги тараққиёт ва юксалиш йўлидан дадил бораётганидан далолат беради.

Сўнгги йилларда Навоий шаҳри аэропортида тўлиқ реконструкция ва модернизация ишлари амалга оширилди. Натижада халқаро андозаларга мос 4 кмдан кўпроқ учиш қўниш йўлаги қуриб битказилиб, замонавий бошқариш тизими бунёд этилди, мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам турли даражада оғирликдаги ҳаво кемаларини қабул қилиш ва учириш имкониятлари яратилди. Ушбу аэропортдаги қитъалараро интермодал логистика маркази эса, Ҳамдўстлик давлатларида ягона бўлиб, бу ерда юкларни тезкорлик билан тушириш, ортиш, тақсимлаш, махсус омборларга жойлаштириш мумкин. Осиёдан Европага, Европадан Осиёга жўнатиладиган юклар глобал юк ташиш тармоғининг муҳим бўғинига айланадиган ана шу марказдан ўтади.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси Жанубий Кореедан лизинг асосида 2 та “А 300-600 Ф” русумли юк самолётини харид қилиб, уларни логистика ихтиёрига берди. Пировардида марказнинг салоҳияти

юксалиб, унинг учун жаҳондаги барча юк бозорларига йўл очилди. Чунки янги ҳаво кемасининг ҳар бири 40 тоннагача юк билан 7 минг километир масофани тўхтамасдан босиб ўта олади. Кўриниб турибдики, Навоий аэропортида халқаро катновни амалга оширадиган барча замонавий самолётларга тезкор, юқори сифатли техник ва сервис хизмати кўрсатиш учун кенг имкониятлар мавжуд.

2009 йилда Навоий вилоятида ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг асосий объектларидан бири сифатида Навоий шаҳри аэропорти базасида халқаро ташишлар бўйича интермодал марказ қурилиши юзасидан катта ишлар амалга оширилди.

Ўтган йил мобайнида “Кореан Аир” компаниясидан миллий авиакомпаниямиз ижарага олган замонавий транспорт самолётлари билан ушбу аэропортдан халқаро йўналишлар бўйича 330 дан ортиқ рейс амалга оширилди ва қарийб 8,5 минг тонна юк ташилди. Бу Навоий шаҳри аэропортини глобал логистика тармоғига интеграциялаш имконини берди.⁶

Шуни таъкидлаш жоизки, Жанубий Корея Ўзбекистон Республикасининг энг йирик инвестицион ҳамкорларидан бири бўлиб, мамлакатимиз иқтисодиётига киритган инвестициялари 2млрд. доллар миқдордан ошди. Энг йирик лойиҳалари нефтегаз, нефтикимиё, логистика, қурилиш, тоғ руда тармоқларида амалга оширилади. Бунга энг ёрқин мисоллардан бири Навои эркин иқтисодий ҳудудидир. Унда жойлашган континентлараро интермодал логистика маркази МДХда ягона ҳисобланади. Шуни таъкидлаш жоизки, хорижда бу ҳудудга бўлган қизиқиш кундан кунга ортиб бормоқда. 2009йил март ойида Сеулда Ўзбекистонда инвестицион ҳамкорлик имкониятлари мавзуида конференция бўлиб ўтган. Натижада, умумий 500 миллион АҚШ доллари миқдоридаги, 35 та инвестицион лойиҳалар тўғрисида келишувлар тузилган. Ҳозирда, “Навои” эркин

⁶Prezident Islom Karimovning 2009 yilning asosiy yakunlari va 2010 yilda O'zbekistonni ijtimoiy iqtisodiy rivojlantirishning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma'ruzasi.

иқтисодий ҳудудида умумий 187 миллион АҚШ доллари миқдоридаги 19 та лойиҳа амалга оширилиб, 2010йил иккинчи ярмида кимё саноати, нефт кимиё, электротехника, машинасозлик, фарматсевтика ва бошқа тармоқларда ишлайдиган корхоналарни ишга тушириш бўйича яна 16 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Шунингдек, Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг 2009йил май ойида Ўзбекистонга расмий ташрифи давомида, Ўзбекистон билан “Янги ипак йўли” лойиҳасини таклиф этди. Бу лойиҳани Кореянинг илғор информатсион технологиялари билан Ўзбекистоннинг кенг логистик ва темир йўл тармоқларини ишлатган ҳолда амалга ошириш орқали, икки мамлакат юртбошлари икки томонлама фойдали ҳамкорликни янада кенгайтириб, узоқ муддатлилигини таъминлаш мақсадини тасдиқлашди. Саммитлар давомида томонлар ўртасида 37 келишувлар имзоланди. Шу билан бирга Ўзбекистон ТИФ Миллий Банки билан Корея Эксим Банки ўртасида хорижий инвесторлар лойиҳаларини молиялаштириш учун умумий миқдори 100млн. АҚШ долл. бўлган кредит линиясини тақдим этиш тўғрисида Меморандум имзоланди.

Шу қаторда, 2009-йил 11май куни Дўрмон қароргоҳида Корея Президенти билан бўлиб ўтган расмий учрашув доирасида, Ислон Каримов ва Ли Мен Бак ўртасида қўшма баёнот имзоланди. Унга асосан, дипломатик паспорт эгалари бўлган фуқаролар учун визасиз кириш тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси ва Корея Эксим банки ўртасида “ В.Вохидов номидаги кардиожарроҳлик марказини замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминлаб бўлиш” учун 10миллион АҚШ доллари қийматида иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик фонди томонидан имтиёзли кредит ажратиш тўғрисида битимлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан саноат комплекслари Корея корпоратсияси ўртасида “Навои ” эркин-иқтисодий ҳудудига корейс инвестицияларини жалб қилиш тўғрисидаги Меморандум, “Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компанияси билан Корея миллий нефт

компанияси ўртасида Фарғона вилоятида инвестицион блок ишлаб чиқиш тўғрисида Меморандум имзоланди.⁷

2008 йилда икки мамлакат орасидаги савдо ҳажми 63% га ўсди ва 1,4 млрд. долл. ташкил этди. Глобал иқтисодий ретсессия туфайли 2009йилда иккитомонлама савдоҳажми озгина камайиб, 1,2млрд. долларни ташкил этди.Мамлакатимизда 351та корейс-ўзбек қўшма корхоналари ва 91 та фирма ва компаниялар ўз ваколатхоналарини очиб фаолият юритмоқдалар.⁸

2010 йилда Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий ҳудудда 11та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Ўзбекистон ҳукуматидаги манбага асосланиб, Регнум ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, ушбу лойиҳалар учун 31 миллион АҚШ доллари ҳажмида хорижий сармоя киритилади.

Бу маблағнинг асосий қисми энергетика соҳасини ривожлантиришга сарфланиши назарда тутилган. Навоий эркин индустриал-иқтисодий ҳудудда ишлаб чиқариш корхоналарини куриш учун қиймати 187 миллион доллар бўлган 19та келишув имзоланган. Янги корхоналар тўлиқ ишга тушганда йилига 375,5 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқариши ва унинг қарийиб ярми экспорт қилиниши мўлжалланган.

⁷http://www.pressservice.uz/#ru/news/show/oficialnyie_vizityi_v_uzbekist/prezident_respubliki_koreya_li_myon_bak/

⁸<http://www.press-service.uz>